O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 23-oktabr, chorshanba ✷ № 44 (848) ✷ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✷ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✷ www.uzhurriyat.uz

### ИНТЕРНЕТ ОРТИДАГИ ҚАБИҲЛИК

Гапи охирига етар-етмас ҳўнграб йиғлаб юборган бу заифанинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Кўмакка муҳтож муштипарни кўрганда қишлоғимнинг, маҳалламнинг, юртимнинг қизи, деб уни ўз опа-синглиси қаторида бегона нигоҳлардан асраб-авайлайдиган йигитларимизга кўз тегдими?!




➩ 3-бет

### ТУШ ТАЪБИРИГА ҚАРАБ ТАШХИС

Британиялик бир гуруҳ олимларнинг таъкидлашича, тунда киши уйқусида кўрадиган тушлар тафсилотини суриштириш орқали соғлик билан боғлиқ қимматли маълумотларга эга бўлиш ва ҳатто, айрим касалликларининг олдиндан билиш мумкин экан.



➩ 5-бет

### КИЧИК МУНДИАЛДАГИ КАТТА ОМАД

Аммо барча ўзбек ёшларига хос бўлган юксак ватанпарварлик туйғуси футболчиларимизнинг майдондаги фидойилигида яна бир бор намоён бўлди.



➩ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✷ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан 16-17 октябрь кунлари ушбу мамлакатда бўлди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Латвия Республикаси Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.**

✷ 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар суд-ҳуқуқ ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни кўриб чиқдилар.

✷ **Ўзбекистон Республикасининг Франция ва Япония дипломатия миссияларида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.**

✷ Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Сенати Президенти Тан Сри Абу Захар Ужанг раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари 17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.




**Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа**



Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ПУХТА ТАРАДДУД

Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид қарори ижроси доирасида Наманган вилоятида электр энергияси, иссиқлик ва газ таъминотини янада яхшилаш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

«Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси қиш мавсумига пухта тараддуд кўриш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширди. Корхона бош муҳандиси Тоҳиржон Юсуфжоновнинг айтишича, тегишли электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктлари тўла ва жорий таъмирланган. Қиш-қировли кунларда электр энергиясида узилишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш мақсадида вилоят бўйича 15 тезкор бригада ҳамда 52 қўшимча таъмирлаш бригадаси ташкил этилди. Улар зарур техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланди.

Суратда: *«Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти муҳандиси Шерзод Ҳожиев.*

## ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

### Республика ОАВда 2013 йилнинг учинчи чорагида(июль-сентябрь) эълон қилинган таҳлилий ва танқидий материаллар хусусида мулоҳазалар

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида қабул қилинган қонунлар, амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий ва институционал янгиланишлар жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб, одамлар турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган қонунчилик ташаббуслари Ўзбекистонда демократик янгиланишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, эндиликда фуқароларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик ва фуқаролик назоратини ўрнатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жамият ҳаётини модернизация қилишнинг асосий йўналишига айланди. Шубҳасиз, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тобора юксалиб, уларнинг масъулияти ҳам ошиб бормоқда. Зотан, давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини яхши тасаввур этамиз.

4 ▸▸

ОБУНА – 2014

**Қадрли юртдошлар!**

**Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси – маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2014 йил учун обуна бошланди.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!**

***Эслатиб ўтамиз:***
**"HURRIYAT"*нинг нашр индекси — 233***




**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ**

**Қарор ва ижро**

## Маҳалла институти замонавий босқичда

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида тизимли ҳамда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Миллий давлатчилигимиз тарихида илк марта маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлди.**

Чунончи, Конституциямизнинг 105-моддасига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, уларда раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини икки ярим йил муддатга сайлаш белгиланган. Ушбу конституциявий қоидалар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда янада ривожлантирилди. Бир сўз билан айтганда, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кафолатловчи зарур ҳуқуқий асослар яратилиб, амалиётга самарали татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг *"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"*да маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг йўналишларидан бири сифатида ушбу институтнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланган маърифат ва маънавият, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар тарбияси, спорт ва тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамда бошқа ваколатларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хусусан, маҳаллий вакиллик органлари билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамият касб этади. Қайд этиш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишларини самарали амалга оширишга ва тегишли ҳудуддаги муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

2 ▸▸

# Маҳалла институти замонавий босқичда

(Бошланиши 1-бетда.)

Албатта, мамлакатимизда маҳалла ва маҳаллий вакиллик институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи етарли ҳуқуқий замин яратилган. Хусусан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар", деб белгиланган.

Янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғинининг кенгаши халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда ҳамда улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ушбу қонунда фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормалар белгиланган.



Носир Ҳайдаров олган сурат

Таъкидлаш керак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари қонуности ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти"да халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси тегишли ҳудудда жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таклифларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши белгиланган. Маълумки, халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессия ҳисобланади. Намунавий регламентга кўра сессия муҳокамасига киритилаётган энг муҳим масалаларни тайёрлаш учун ишчи гуруҳ ташкил этилиши мумкин ва ушбу ишчи гуруҳ масалани сессияга тайёрлаш вақтида тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиши тўғрисидаги норма белгиланган. Бундан ташқари, намунавий регламентда сессияларда тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этишлари мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлигининг барча ҳуқуқий асослари яратилган ва улар амалда ўз ифодасини топмоқда.

**Давронбек ОЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

**Адлия почтасидан**

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги тамойилининг таъминланиши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар марказида ҳар доим биринчи ўринда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради.

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Юртимизда инсон ҳуқуқларига риоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган демократия ва фуқаролик жамиятининг асосий институтлари шакллантирилди, ҳуқуқни қўллаш амалиёти йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан, адлия органлари Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан бир қаторда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатларни холисона кўриб чиқмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги далиллар аниқланган ҳолатларда уларни тиклаш чоралари кўрилмоқда, ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса қонуний чоралар қўлланилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида судларга даъво аризалари киритилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол бузилган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки судларга мансабдор шахсларни жавобгарликка, ҳаттоки, жиноий жавобгарликка тортиш борасида таклифлар тақдим этилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида Андижон вилоят адлия бошқармасига фуқаролардан ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисида 69 та мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатлардан 30 таси қаноатлантирилган, 27 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 4 таси асоссиз деб топилган ҳамда 6 таси тааллуқлилиги бўйича бошқа идораларга юборилган. Ўрганиш натижасига кўра, аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан 14 та тақдимнома, 5 та кўрсатма ва 32 та огоҳнома, айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан ваколатли идораларга 7 та таклиф, фуқаролик ишлари бўйича судларга 56 та даъво ариза киритилди. Таъсир чоралари натижасида 5 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, фуқароларга 3500 минг сўм тўлаб берилди. Шунингдек, 6 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 3 нафар фуқаро қайта ишига тикланди.

Ишонч телефонига қилинган мурожаатлар кўриб чиқилганда мансабдор шахслардан фуқароларга етказилган маънавий зарарни ундириш бўйича судларга 75 та даъво аризаси киритилиб, суднинг қарорига кўра ушбу даъволарнинг 74 таси қаноатлантирилди.

Хусусан, Андижон туманида яшовчи фуқаро Р.Қобулов ва бошқалар туман электр тармоқлари корхонаси ўзлари яшаб турган уйларининг электр энергиясини огоҳлантирмасдан кунига 7-8 соатлаб ўчириб қўйилаётганлигидан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган. Ўрганиш натижасига кўра, "Андижон ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖга қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномага асосан, Андижон туман электр таъминоти корхонасининг тегишли ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад — қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва тиклашдир. Зеро, қонун устуворлиги таъминлангандагина жамиятда тараққиёт бўлади.

**Озодбек ҒОФУРОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси бўлими бошлиғи**

**Тадбир**

# ОАВ қўллаб-қувватланмоқда

**Мамлакатимизда ОАВни ривожлантириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, истиқлолгача Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони атиги тўрт юзга яқин бўлган. Бугунги кунга келиб эса рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаларининг сони 1360 тадан ошгани юқоридаги фикримизнинг яққол тасдиғидир. Энг асосийси, ушбу оммавий ахборот воситаларининг 62 фоизи нодавлат секторга тегишлидир. Нодавлат ОАВ 2000 йилгача 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич икки баравардан ошди. Бу борада, айниқса, ҳудудий ОАВ орасида энг фаол ўсиш кузатилмоқда.**

Юртбошимизнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган қонунчилик ташаббусларининг изчил амалга оширилиши демократик янгиланиш жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, дейишга тўла асосимиз бор. Бунда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни янада жадаллаштиришга қаратилган устувор вазифалар алоҳида аҳамиятга эга.

Концепцияга мувофиқ ОАВнинг иқтисодий мстақиллиги ва молиявий барқарорлиги, ахборот соҳасига бозор механизмлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш юзасидан қатор ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ОАВ қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан турли танлов, йирик лойиҳалар, грантлар ажратилаётгани эътиборга лойиқ.

Куни кеча Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қуввватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ана шундай тадбирлардан яна бири — «Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши — миллий ахборот маконининг жадал ривожланиши кафолати» мавзуида ўқув семинари ўтказилди. Мазкур тадбирга марказий босма ОАВ билан бирга республикамиз шаҳар ва туманларида фаолият олиб бораётган бир қатор нодавлат нашрларнинг бош муҳаррирлари таклиф этилди.

Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотларда босма оммавий ахборот воситалари иштирокини янада жадаллаштиришга катта имкониятлар яратилмоқда, — дейди Бухоро вилоятида чоп этилаётган «Давр инфо» газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Асадов. — Ахборот эркинлиги, уни олиш кафолатлари тўлиқ таъминланаяпти. Кўпчиликнинг хабари бор, қарийб бир йилдан буён Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синовдан ўтказилаётганлиги ушбу вилоятлар журналистларининг ахборот олиш бўйича мурожаатларини анча осонлаштирди. Бугунги семинарда кўтарилган масалалардан ҳам ўзимизга зарур хулосаларни олдик. Бугун фонд томонидан таҳририятимиз моддий техник имкониятини янада ошириш мақсадида берилган компьютер жамланмаси ишимиз сифатини янада яхшилашига шубҳа йўқ.

— Жойларда олиб борилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ва янгиланишларни халқимизга етказишда фаол иштирок этаётган ҳудудий босма ОАВдан 24 тасига жамоат фонди томонидан компьютер техникалари олишга оид сертифакатлар топширилди, дея таъкидлади фонд директори Абдулазиз Абдуллаев.— Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан жорий йилнинг шу кунига қадар таҳририятларнинг моддий имкониятларини қўллаб-қувватлашга 165 миллион сўм ажратди. Уларнинг 60 миллион сўми ҳудудий босма ОАВ таҳририятлари моддий-техник базасини ва уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳамлашга йўналтирилган.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида фонд томонидан амалга оширилган лойиҳалар доирасида 80 дан ортиқ семинар-тренинг, учрашув, давра суҳбатига икки минг нафардан зиёд журналистлар ва таҳририятлар техник ходимлари жалб этилди. Соҳанинг малакали ходимлари томонидан олиб борилаётган маҳорат дарслари ёш ҳамкасбларимизнинг таҳлилий материалларини тайёрлаш ва чоп этишида ҳар томонлама қўл келмоқда.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

Reklama

**Молия ташкилотларида**

# КРЕДИТЛАР тадбиркорга таянч бўлмоқда

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар Хоразм вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Буни вилоятда ишлаб чиқариш, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, кичик бизнес субъектлари сонининг кескин ошгани ва энг муҳими бундан аҳоли манфаат кўраётганидан ҳам билишимиз мумкин.**

Вилоят иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этган турли тармоқларга молиявий хизмат кўрсатишда банклар фаолияти ҳам бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилган. Бу борада Агробанкнинг Хоразм вилоят бошқармаси иш фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Айни кунда бошқарманинг 12 та туман ва шаҳар филиали ҳамда 41 та минибанки мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг шу даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 31 миллиард 448 миллион сўм кредит ажратилгани ҳудудда тадбиркорликни янада ривожлантиришга берилаётган эътибор кўламининг нақадар катталигини кўрсатади.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга бўлган талаб кескин ортмоқда. Бу тизимни янада янги босқичга кўтариш ва кўплаб иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес субъектлари банк томонидан доимий қўллаб-қувватлаб келинаётир. Жумладан, жорий йилда ана шундай 38 та хўжалик юритувчи субъектга 1 миллиард 445 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу кредит маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириб қолмасдан, қишлоқ жойлардаги аҳоли маиший турмуш шароитини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Кўшкўпир филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган "Хадра-Ҳасан» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Раҳимовнинг таъкидлашича банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланиб аҳолига умумий овқатланиш хизматлари кўрсатишни йўлга қўйган ҳамда 5 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида соҳа вакиллари лойиҳалари учун 2013 йил давомида 8 миллиард 723 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш дастурлари 7 миллиард 614 миллион сўмга молиялаштирилди.

— Халқимиз азалдан фарзандлари камоли учун барча шароитларни муҳайё қилиб келган. Пул топса, албатта, кўркам уй қуради. Иморат пишиқ ғиштдан тикланса, кўпга хизмат қилади — дейди, банкнинг Урганч филиали мижози «Нозима-Гулхоним» ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Матназар Курязов. — Жамоамиз томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида ғишт ишлаб чиқариш ускуналари ва техникаларини сотиб олиш учун 150 миллион сўм кредит олдик. Шуниг ҳисобига 5 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 ноябрдаги — «Хоразм вилоятини 2013-2015 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида«ги қарорига асосан дастурий лойиҳаларни белгиланган муддатларда молиялаштиришга банк томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур қарор ижросини таъминлаш учун 6 миллиард 790 миллион сўм ажратилди. Берилган кредит эвазига ҳудудда саноат корхоналари анча ривожланди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди, янги иш ўринлари ташкил этилди.

Қишлоқ ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш учун кичик корхоналар ташкил этиш билан бир қаторда деҳқон ва фермер хўжаликлари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ташаббусларини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш банкнинг муҳим вазифаларидан саналади. Йўналтирилган кредитлар ҳисобига жойларда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортиб, аҳоли фаровонлиги юксалишига эришилди. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи даврида қорамолчиликни ривожлантиришга 1 миллиард 676 миллион сўм, паррандачилик учун 1 миллиард 525 миллион сўм, балиқчиликни ташкил қилишга 650 миллион сўм, асаларичилик учун 192 миллион сўм кредит йўналтирилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга 146 миллион сўм миқдорида кредит йўналтирилган.

Агробанкнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ушбу хайрли тадбирлар натижасида шаҳару қишлоқларимиз обод, халқимиз турмуш даражаси ошаётгани ҳар биримизга ғайрат-шижоат бағишлайди.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

**Огоҳ бўлинг**

# ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

Куз фасли қиш тадоригини кўриш, фуқаролар ўз хонадонларини иситиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг фурсати ҳамдир. Табиийки, бундай паллада электр ва газ билан иситиш воситалари эски бўлса — янгиланади, таъмирланади ҳамда соз ҳолатга келтирилади. Шунга қарамай, айрим фуқаролар давлат стандартидан ўтмаган иситгич воситаларини харид қилиб, улардан кўр-кўрона фойдаланишни канда қилмайди. Бу ўз-ўзидан ҳар хил аянчли оқибатларни юзага келтиради. Шу ўринда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир. Уй эгалари иситиш тизимларини ёқишдан олдин яна бир бор мутахассис кўригидан ўтказиши, белгиланган меъёр кўрсаткичларига амал қилган ҳолда иситиш тизимларини кўздан кечириши, улардан фойдаланишда техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишлари зарур.

Текширувлар натижасида шу нарса кузатилмоқдаки, кўп ҳолатларда уй бекалари ошхона газ плиталарини керак бўлса-бўлмаса ёқиб қўйишади. Айниқса, кечаси қаровсиз ёқиб қолдирилган газ плиталаридаги оловнинг ўчиб қолиши, хона ичига йиғилиб қолган газнинг портлаши натижасида турли фожеавий воқеалар содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари, электр печларни ёқиш учун резина шланглардан фойдаланиш оқибатида ҳам турли кўнгилсизликлар келиб чиқаётгани кузатилмоқда.

Ҳурматли ҳамюртлар! Ўз хонадонингизда ёқиқ ҳолдаги газ ва электр воситаларини назоратсиз қолдирманг. Иситиш печлари ва ўчоқларни ўт олдиришда тез ёнувчан суюқликлар (бензин, керосин)дан фойдаланманг. Газ плитаси ва иситиш печлари тепасида кийим-кечак ва бошқа буюмларни қуритманг. Ўз ҳаётимиз учун ўзимиз масъул эканимизни унутмайлик.

**Нурмахон ЭРМЕКОВ,**
**12 ҲЁХО 24 ҲЁХҚ инспектори**

**Орамиздаги одамлар**

# Эл дуосини олганлар

**Бундан йигирма олти йил муқаддам Умида Абенова исмли бемор жуда оғир аҳволда Қуйичирчиқ туман марказий шифохонасидан Республика травматология илмий-тадқиқот институти ортопедия бўлимига келтирилди. Унинг иккала оёғи ҳам ишламас, бунинг устига бутун баданини яра босганди. У қабулхона шифокори саволларига мажолсиз жавоб қайтараётганида хонага аспирант Мирҳаким Азизов кириб келди.**

— Бемор қачон келтирилди?

— Ҳозиргина тез тиббий ёрдам кўрсатиш машинасида олиб келинди.

Бўлажак олим беморнинг аҳволини кўриб: «Қани, синглим, қўлларингни менга узатчи», деди.

Умида мажолсиз қўлларини ўзига меҳр билан боқиб турган шифокорга узатди. Шунда дўхтир уни даст кўтариб хонага олиб кириб, оҳиста тўшакка ётқизди.

— Келажакка умид билан қара. Сен албатта тузалиб кетасан.

— Раҳмат ака.

Мирҳаким Азизов ҳамширага юзланиб сўради:

— Зуҳрахон, синглимиз қаердан келтирилди, дедингиз?

— Қуйичирчиқ туманидан.

— Тумандошингиз эканда, унда иккаламиз бир бўлиб, Умидахонни оёққа турғизамиз. Сиз унинг чойшабларини тез-тез алмаштириб турилишини назорат қиласиз.

Эртаси куни Мирҳаким беморнинг қон томири уришини текшириб кўрди-да, ҳамширага тайинлади:

— Зуҳрахон, синглимизнинг юраги бақувват экан. Қон босимини ўлчаб кўринг-чи?

Шу пайт бош шифокор хонага бир неча ҳамкасблари билан кириб келди. Улар ўзаро суҳбатдан кейин Умида Абеновани жарроҳлик йўли билан даволаш лозимлиги тўғрисида бир тўхтамга келишди.

— Қизим, ҳеч ҳам хавотир олманг. Мирҳаким Жавҳарович сизни тезда оёққа турғизиб юборади. Энг муҳими, келажакка ишонч билан қаранг.

Шифокорларнинг ўзаро суҳбатларига зимдан қулоқ солиб турган Умидада умид пайдо бўлди. Хонадан ҳамма чиқиб кетгач, Зуҳрахон беморга шундай деди:

— Опа, дўхтирларнинг гапларини эшитдингиз-а? Ҳаммаси яхши бўлади. Сиз, албатта, тузалиб кетасиз.

— Шу гапингизга фариштлар омин десин, Зуҳрахон. Операциянинг ҳамма қийинчиликларига чидайман. Фарзандларимнинг бахтли келажакларини кўриш учун ҳам мен яшашим керак!

Орадан бир ой ўтиб, Умида мураккаб операцияни бошидан ўтказди. Олти ойдан кейин эса оёқларини ерга босиб кўрди. Чиндан ҳам, моҳир шифокорнинг саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бериб, бу муштипар аёлнинг етти йиллик азобли кунлари орқага чекинди.

— Мана, шу воқеага ҳам йигирма йилдан ошибди, — дейди Умида Абенова. — Яқинда шифокорим Мирҳаким Азизов раҳбарлигидаги лойиҳа Давлат мукофотига лойиқ кўрилганини эшитиб, кўпчилик беморлари қатори мен ҳам жуда хурсанд бўлдим. Зуҳра Достонова эса ҳозирги кунда Қуйичирчиқ туманидаги ДСНМ бош шифокори. Мен бу икки инсонни умрим бўйи дуо қилиб яшайман.

**Пардабой ЭРГАШЕВ**
*Тошкент вилояти*



**Ҳа-ёт!**

# Интернет ортидаги қабиҳлик

**«Ёвга терс қараган мусулмон эмас» дейди севимли шоиримиз Шавкат Раҳмон. Дарҳақиқат, азал-азалдан халқимиз жўмардлиги, ботирлиги билан машҳур бўлган. Мард майдонда билинар, дея рақибининг кўзига тик қараган.**

Ҳозир-чи? Ўзининг қабиҳ ниятларини амалга ошириш, ўзгаларни бадном қилиш мақсадида интернет ортига биқиниб олиб, юзсизларча оқни қора, қорани оқ дейдиганлар урчимоқда. Афсусланарлиси, холис, ҳаққоний ахборот билан ёлғон ахборотни фарқлай олмайдиган одамлар бундай уйдирма маълумотларга ишонишади.

Одатий иш кунларининг бирида таҳририятимизга Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридан ўзини Гуласал(исми ўзгартирилган) дея таништирган қиз қўнғироқ қилди. Овозининг бўғиқлигидан йиғлагани, анчадан бери руҳий зўриқишда юргани билиниб турарди. Танишувдан сўнг мақсадини сўрадик:

— Мен эндигина йигирма ёшга кирдим. Оддийгина оиланинг қизиман, — дея гап бошлади у. — Яқинда унаштирилдим. Бундан оиламиздагилар ҳам, ўзим ҳам хурсанд эдик, аммо яқинда кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Кимдир odnoklassniki.ru сайтига менинг номимдан аъзо бўлиб, фотосуратларим ва телефон рақамимни жойлаштириб қўйибди. Ўша номаълум одам юзсизларча менинг ножоиз хизматлар кўрсатишимни ва ҳатто нархини ҳам ёзиб ёмонотлиқ қилишга уринаяпти. Ахир интернетдан ер юзидаги миллионлаб одамлар фойдаланишади-ку. Менга турли давлатлардан бегона эркаклар қўнғироқ қилаяпти. Тўғри, телефон рақамимни ўзгартирсам, бемаъни қўнғироқлардан қутуларман. Аммо сайтдаги суратларимни қандай қилиб ўчиришни билмаяпман. Мана, бир неча кундан бери қариндош-уруғларимнинг дашномини эшитаман. Ҳатто «Шамол бўлмаса...» деб пичинг қиладиганлар ҳам кўпайяпти. Ҳозирча бўлажак турмуш ўртоғим ва унинг оиласи бу ҳақида билгани йўқ. Билса нима бўлади? Бир номарднинг ғаразли иши туфайли бутун ҳаётим барбод бўладими?!

Биз бу қиз берган маълумотларнинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигига амин бўлиш мақсадида odnoklassniki.ru сайтидан ўша манзил ва исм-шарифини излаб топдик. Ор-номусли, иффатли экани миллий кийимда, сочлари ўрилган, соддагина кўринишдаги суратларидан ҳам билиниб турган бу қиз ҳақидаги маълумотларни ўқиб, ёқа ушлаб қолдик. Наҳотки, бир пок инсон номини шунчалик ёмонотлиқ қилиш мумкин?! Наҳотки, бу гап-сўзларни ёзаётганларнинг гуноҳдан қўли қалтирамади, виждони йиғламади?! Кўз олдига опаси ё синглиси, жилла қурса, қизи, набираси келмади?! Ахир у нафақат бир ожизанинг, балки ватандошининг, Ватанининг шаънига доғ тушираётганини ўйламадими?! Наҳотки, бу ишларни қилган кишининг фаҳми шу даражада ноқис бўлса?

— Бу ишни мени таниган-билган, унга турмушга чиқишимга умидвор бўлиб юрган қишлоқдош йигитлардан бири қилган, деб ўйлаяпман. Чунки севги изҳор этган бир неча ҳамқишлоқларимга рад жавобини бергандим. Суратим масаласига келсак, уни хоҳлаган пайтда ўзимга билдирмай тушириб олган бўлиши мумкин. Қолаверса, бу ишни унаштирилганимдан кейин қилишганининг ўзи ҳам шу фикрга келишимга сабаб бўлаяпти. Аммо ким шу ишга қўл урди экан?! — дейди Гуласал йиғламсираб. — Сайтга менинг номимдан аъзо бўлган одамнинг ўзи ўчирмаса, бошқа биров суратларни ҳам, ёзувларни ҳам ўчира олмас экан.

Гапи охирига етар-етмас ҳўнграб йиғлаб юборган бу заифанинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Кўмакка муҳтож муштипарни кўрганда қишлоғимнинг, маҳалламнинг, юртимнинг қизи, деб уни ўз опа-синглиси қаторида бегона нигоҳлардан асраб-авайлайдиган йигитларимизга кўз тегдими?! Интернет тармоғи орқали фисқу фасод тарқатиб ўзининг эркаклик шаънини ерга ураётган бундай кимсаларни ким дейиш мумкин?! Шунчаки, қўрқоқ! Ҳатто онасининг этагига ёпишиб олиб қўшни болани сўкаётган гўдакдан ҳам қўрқоқроқ!

— Мен сизларга қўнғироқ қилиб, мана шундай инсофсиз кишиларга нисбатан қандай қонуний жазолар борлиги, ўз обрўйимни, номусоримни тиклаш учун нима қилишим лозимлигини сўрамоқчи эдим, — дея гапида давом этди суҳбатдошимиз. — Агар иложи бўлса, менга ёрдам беринглар.

Биз қўлимиздан келадиган кўмакни, яъни юридик маслаҳат олиш мумкин бўлган ташкилотлар ҳақидаги маълумотларни бу синглимизга бердиг-у, воқеа тафсилотларини баҳоли қудрат қоғозга туширдик.

Сиз нима дейсиз, муҳтарам газетхон?!

**Ситора ТОЖИДДИНОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**




**Ўйлаб кўринг!**

# ЎЙИНЧОҚЛАР фақат ЯЛТИРОҚ ЭМАС...

**Мазкур мавзуни саҳифанинг ярмини эгаллаб туришга "ярoқли" матн сифатида нисбатлашингизни истамасдик. Газетада чоп этилаётган шу сингари материаллар тили осилиб қолган чўнтак манфаати учун ҳам эмас, балки болаларнинг руҳий хотиржамликда униб-ўсиши, маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишини кўзлаб эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзига маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш муҳим масаладир".**

**ТАҲРИРИЯТ**

*— Ўғлим, машинанинг "додаси"дан олиб берайми? — деди дўконнинг ўйинчоқлар бўлимида кичкинтойини етаклаб, шу дам тоғни ҳам сотиб олиб беришга шай ҳолатда турган ота. Ўйинчоқларнинг шакл-шамойили бежирим ва кўзга яқин. Ниҳоят, ота ва ўғил ниятдаги ўйинчоқ-машинани харид қилишди. Эртасига ота ишдан қайтиб, ўғлининг кечагина олинган, ўзи юрар машинани ип билан судраб юрганини кўриб ажабланди. Тузатишга чоғланди. Бу ҳол бир бўлди, икки бўлди... Хуноби ошди. Бу орада "дода" машина эски ўйинчоқлар қаторига қўшилиб улгурди...*

Бозор ёки савдо расталаридаги ранг-баранг, ялтироқ, товушли ва мусиқали қўғирчоқлар бугун ҳайратомуз янгилик бўлмаса-да, кўпчилик ота-оналарнинг, айниқса, болаларнинг эътиборини тортиши табиий. Фарзандига бирор ўйинчоқ харид қилаётган ота-она, энг аввало, кўзига чиройли ва бежирим кўринган, дилбандини қувонтирадиган, завқ бағишлайдиган ўйинчоққа юзланади. Бироқ буюмнинг ташқи кўринишигагина қараб танловни амалга ошириш тўғримикан? Балки уларнинг материали, ранги ёки безаги доим ҳам бола саломатлиги ва руҳиятига ижобий таъсир этавермас, нима дедингиз?!

Одатда, ҳар бир ўйинчоқ маълум бир шаклга эга бўлиб, бирор воқелик, маълум сюжетни эслатади. Масалан, ёшига етмаган болага унча мураккаб бўлмаган, кўпроқ овутишга мўлжалланган ўйинчоқлар мос келади. Қолаверса, қизалоқлар қўғирчоғини овқатлантириш ёки ухлатишга уринса, ўғил болалар "юк машинаси"да турли кубик ва деталларни у жойдан бу жойга "ташиш" билан овора бўлишади.

— Ҳар битта бола ўйинчоғи орқали ўзининг кичик оламини яратади, — дейди психолог Лайло Шодиева. — Бола онгида ҳурмат, иззат, яхшилик, саховат сингари туйғулар уна бошларкан, уларнинг руҳиятига ижобий таъсир этувчи ўйинчоқлар тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Баъзан кузатаман, ота-оналарнинг аксари икки-уч яшар боласи учун хорижий "либос"га бурканган қўғирчоқ харид қилишади. Айтиш жоизки, қўғирчоқнинг юз тузилиши, ундаги бўёқдорлик боланинг руҳиятига кўчиб ўтади. Шунга кўра, шодон ёки ғамнок, хафаҳол қиёфа фарзандимизнинг ҳиссий ҳолатини ўзгартиради. Шу сабабдан ҳам, болажонларга нафақат рангида, ҳатто кўринишида ҳам мантиқ, маъно ва мазмун касб этувчи ўйинчоқ олиб бериш муҳимдир. Болажонлар дастлаб думалоқ шаклли ўйинчоқларни бир-бирига солиш ва қайта чиқариш, турли хил кубикларни қайта-қайта тиклаш ва жойлаштириш билан овунади. Бундай ўйинчоқларни ўйнаганда бола ҳаракати бир мақсадга қаратилади, аввал қўллари билан уларни ҳис этиши, кейин кўзи билан ранг ва фигурани чамалаши каби хусусиятлар шаклланади.





Биласиз, икки-уч ёшли болага эртак айтиб берсангиз, кўп ҳам қабул қилмаслиги мумкин. Аммо миллий эртак қаҳрамонлари қиёфаси ифода этилган қўғирчоқлар унинг онгини нисбатан тез забт этади. Беш ёшда болани қизиқарли ҳолат ва воқеаларни ўйлаб топишга чорлайдиган ўйинчоқлар берилса, унинг фикрлаши ривожланади. Беш-олти ёшдаги болажонлар учун фикрлашга мажбур қиладиган ўйинчоқларни тўғри танлаш бир қадар қийинроқдир. Болаларга кўпроқ фикрни жамлашга ундовчи ўйинчоқларни тавсия этган маъқул. Агар кичкинтойингизга ўйинчоқ ёқмаса, уни зинҳор мажбурламанг. Аксинча, унинг ўз севимли ўйинчоғи бўлиши ижобий ҳолдир.

Болажон кун сайин унадиўсади, у атроф-муҳитдаги деталларни илғашга ҳаракат қилади. Шу маънода ўйинчоқ ва қўғирчоқлар ҳам боланинг ёшига мос равишда мураккаблашиб боради. Масалан, уч ёшлилар ўзларини катталарга ўхшатишни истаб, она, ҳайдовчи ёки доктор бўлишга уринишади. Тўрт ёшли болаларга эса бу ҳолат ўзаро рол ижроси билан алмашилади. Айни шу даврда қайси ўйинчоқларни харид қилиш керак? Мутахассисларнинг фикрича, бу даврда ўйин сюжетлари ва турли воқеа-ҳодисаларни ўйлаб топишга мўлжалланган, уч-тўрт ёшли болалар учун эса бир йўналишда тўпланган ўйинчоқлар ("тиббий анжомлар", "сартарошлик", "ошхона анжомлари") талаб этилади. Шунингдек, кичкинтойларда ижодий дунёқараш катталарга тақлид қилиш, ўзи ёқтирган инсонларга ўхшаш ҳисси билан шаклланаётганини ҳам ҳисобга олиш даркор.

Қўғирчоқлар боланинг ёшига нисбатан оддий тузилиши керак, яъни улар қаҳрамонларнинг аслига ўхшаши шарт эмас. Изланишларга қараганда, болалар умумлаштирилган буюм ва бироз ўхшатилган ўйинчоқларни яхшироқ қабул этишаркан. Боиси, болажонлар асл нарсани аксидан ажратиб, у оддий ўйинчоқ эканини тез англаб олади.

— Ўйинчоқ шунчаки, болалар учун овунчоқ воситаси эмас, — дейди болалар шифокори Клара Пардаева. — Улар нафақат ташқи кўриниши ва шакл-шамойили билан, балки ҳажми, оғирлиги билан ҳам болажонларга зиён етказмаслиги лозим. Баъзида кимёвий таркиби бола саломатлигига номутаносиб бўлган материаллардан тайёрланган ўйинчоқлар ҳам учраб туради. Зарарли кимёвий моддалар организмда тўпланиб қолиш хусусиятига эга. Улар вақт ўтиши билан боланинг мия фаолияти тизимига салбий таъсир кўрсата бошлайди. Шунингдек, юмшоқ ўйинчоқлар асосан кимёвий синтетик толалардан тайёрлангани боис мустаҳкам бириктирилмагани болалар учун ноқулай. Айрим болалар майда бўлакчаларни оғзига солиб, соғлиги учун хавф туғдиради. Масалан, бўлимга "нафас йўлларидаги ёт жисм" ташхиси билан тушган болаларнинг 15 фоизи ана шундай ўйинчоқ бўлакларини ютиб юборган беморлардир. Шуни ҳам айтиш керакки, икки-уч ёшли бола 300 граммгача, тўрт-беш ёшли болалар 400 граммгача бўлган қўғирчоқ ва машиначаларни ўйнаши лозим.

Ўйинчоқларнинг ранг-баранг, ноодатий, жудаям ёрқин ва тўқ тусда бўлиши уларнинг таркиби заҳарли кимёвий элементларга бой бўёқлар билан тўйинганини билдиради. Бундай бўёқлар эса бола саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Бўёқ таркибида учрайдиган заҳарли моддалар (формалдегид, дибутилфталат, фенол, феноксил, изобитурат) нинг даражаси баъзида 30 фоизгача етади. Табиийки, бу каби ўйинчоқларнинг рангига қизиққан болакай мазасини татиб кўргиси келади. Оқибатда заҳарли моддалар жигар, ошқозон-ичак, буйрак йўлларига тушади ва ҳали тўла шаклланмаган бола организмига секин-аста зарар етказади. Жумладан, турли тошма ва шишлар кўринишида аллергик хуружлар қўзғатади. Бу турдаги ўйинчоқлар бола руҳиятини, айниқса, кўриш қобилиятини сусттлаштиради. Ярoқсиз ўйинчоқлар билан ўйнаш оқибатида болада кўнгил айниши, кўз остининг кўкариши, ланжлик ва сустлик келиб чиқиши амалда исботланган.



Албатта, фарзандларимизнинг ўсиб-улғайиб, комил инсон бўлиб вояга етишининг ўз шартлари бор. Энг аҳамиятлиси, гўдак маъсум ёшида қандай ўйинчоқ ўйнаб, қандай қўғирчоқ ва қаҳрамонлар таъсирида улғайишидир. Болалар онги ва қалбида миллий қадриятларимизни камол топтиришга хизмат қиладиган ўйинчоқ ва қўғирчоқ масаласига жиддий эътибор қаратганимизнинг боиси шундан.

**Ибодатхон НИЁЗОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# ЖУРНАЛИСТ СЎЗИ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

**Республика ОАВда 2013 йилнинг учинчи чорагида (июль-сентябрь) эълон қилинган таҳлилий ва танқидий материаллар хусусида мулоҳазалар**

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида фаолият юритаётган мониторинг гуруҳи ана шу мезонлардан келиб чиқиб, республикамиздаги марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материалларни ўрганиб,таҳлил қилмоқда. Уларда кўтарилаётган масалалар моҳияти, долзарблиги, жамиятга келтирган самараси нуқтаи назаридан баҳоланмоқда, эътироф этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг учинчи чораги мобайнида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қамраб олинган ҳолда 65 та ОАВ — 31 та газета, 16 та давлат телерадиоканали, 14 та нодавлат телестанциясида эълон қилинган 450 га яқин долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материал ўрганиб чиқилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қатор материалларда бугун юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар чуқур таҳлиллар асосида ёритилган, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган, амалиётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиб қилиниб, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ўзгаришлар, ютуқлар кўрсатиб берилган.

Бугунги кунда матбуот назарида турган энг муҳим мавзу бу инсон омилидир. Барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг самараси унинг манфаатларига қаратилгани билан характерланади. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган таъкиди ҳам соҳа вакилларидан бугунги замон кишисининг турмуш тарзи, дунёқараши, ўй-ташвишлари, фикр-мулоҳазалари, муаммолари ва уларнинг ечимларига тийрак кўз билан қарашни тақозо этади. Хусусан, "Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида чоп этилаётган туркум материаллар орасида шу йил 20 сентябрда "Ислоҳот" рукни остида берилган "Юксак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти" мақоласи "Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир" деган тушунча таҳлили фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Мақолада адлия соҳаси вакилларининг бу борадаги фаолияти атрофлича таҳлил этилган бўлиб, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

ОАВ фаолиятининг таъсирчанлиги, аввало, жамиятнинг оғриқ нуқталари, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни сустлаштираётган масалаларни кўтариб чиқиш, унинг моҳиятини чуқур ўрганиш, таҳлил этиб, жамоатчилик эътиборини тортиш ва шу йўл билан мавжуд муаммонинг ечимини топишга муносиб ҳисса қўшиш каби саъй-ҳаракатлар билан узвий боғлиқдир. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш, фуқароларда воқеликка бедор шуур билан қараш ҳиссини уйғотиш ҳар бир ОАВнинг ҳаёт билан ҳамнафаслигини таъминлайди.

Шу маънода учинчи чорак давомида мониторингга тортилган ОАВда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлари ижросини таъминлаш борасида жойларда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар, соғлом турмуш тарзи, ободонлаштириш, таълим тизими, маънавият масалалари, автосервис хизмати, куз-қиш мавсумига тайёргарликдаги сусткашликлар, савдо, йўллар, ёшларни иш билан таъминлаш, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, тиббий хизмат, одам савдоси, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари кабилар энг кўп танқидга учраган.

Маълумки, давлатимиз раҳбари фармойиши асосида жорий йил мобайнида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси меъёрларини Самарқанд ва Бухоро вилоятларида синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент давом этмоқда. Қонунчилигимизда янгилик бўлган бу тажриба, табиийки, оммавий ахборот воситалари диққат-марказида турибди ва журналистларни фаоллаштириб, давлат бошқаруви органлари фаолиятига янги нигоҳ билан қараш имконини бермоқда. Бу ҳақда сўз бораркан, шу йил 24 августда "Ўзбекистон" телерадиоканалида эфирга узатилган «Фуқароларнинг мурожаатлари — жамият кўзгуси» номли кўрсатувни алоҳида тилга олиш мумкин. Кўрсатувда фуқароларнинг коммунал соҳадаги мурожаатлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК ва бошқа мутасадди идоралар ва ташкилотларда қай даражада кўриб чиқилаётганлиги ҳамда ушбу йўналишда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар соҳа вакиллари иштирокида таҳлил этилди. Бу мавзудаги материаллар Қорақалпоғистон Республикаси телевидениеси ва бошқа қатор ОАВ томонидан ҳам тайёрланиб, халқимиз эътиборига ҳавола қилинди.

Ҳаёт ҳақиқатлари кенг жамоатчилик фикрининг якдиллиги кўп маънавий масалалар ечими учун энг яхши омил эканини кўп бор намойиш этган. Муаммо юзага келмасдан уни илғаш, жамоатчилик эътиборини тортиш ва бартараф этиш газета илғорлигини таъминлайдиган асосий омиллардандир. "Hurriyat" газетасининг шу йил 25 сентябрь сонида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган "Яна тўйларимиз ҳақида ёхуд ўзини кўрсатишнинг антиқа йўллари", "Зарафшон" газетасининг 21 сентябрь сонида эълон қилинган "Тўй тўйчиники. Аммо унинг жамиятга ибрати ва зарари учун ҳар биримиз масъулмиз" сарлавҳали мақолаларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлаймиз. Ҳар иккала газетада чоп этилган бир мавзудаги мақола моҳиятидан маълум бўляптики, тўйлар мавзуси, кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бундай ҳолатни нафақат Тошкент шаҳрида, балки Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларида ҳам кимўзарга тўйлар қилинаётгани, ана шу хўжакўрсинлик ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида танқидий фикр ва мулоҳазалар берилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида қайд этилганидек, "униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим". Бу ҳақда сўз бораркан, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда санъат, мусиқанинг ўрни нечоғлик улуғ эканини эътироф этиш жоиз. Бу борада Ватан ҳақидаги қўшиқлар алоҳида ўрин тутади ва шу сабабли ҳам катта эътибор талаб этилади.

Ватан ҳақидаги энг яхши қўшиқ қандай талабларга жавоб бериши керак? Қўшиқ матнида ёки унинг нақоратида Ватан сўзи қанчалик кўп такрорланса, у Ватанни тараннум этувчи яхши қўшиқ бўлиб қоладими? "Ёшлар" телерадиоканали томонидан эфирга узатилиб келинаётган "Давр мавзуси" кўрсатувининг 23 июль сонида биз учун онадек азиз Ватан ҳақидаги қўшиқлар тўғрисида мулоҳаза юритилган. Фикримизча, бу масала ўз вақтида кўтарилган. Зеро, Ватан шундай маъвоки, у ҳақда ҳар бир ижодкор мадҳ этгиси, ҳар бир хонанда куйлагиси келади. Бироқ, барча ҳам ўз кучи ва имкониятларига тўғри баҳо бера олмайди. Она юрт ҳақида қўшиқ-



лар яратиш кишидан катта муҳаббат ва салоҳият талаб этишини англаб ета олмайди. Бу эса она юрт ҳақидаги гўзал ва юракка ғурур бахш этувчи қўшиқлар билан бирга саёз матн ва сийқа ижроли қўшиқлар ҳам кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Ўйлаймизки, бундай чиқишлар жамоатчилик, айниқса санъат соҳаси вакилларининг эътиборини тортади.

"Mahalla" газетасининг 2013 йил 3 август сонида "Маънавиятга таҳдид — келажакка таҳдид" рукни остида "Компьютер қаршисида ким нимани кўради?" сарлавҳали мақола эълон қилинган. Газета бугунги кунда тобора долзарблашиб бораётган "оммавий маданият" паноҳида ёшлар онгига ўз таъсирини ўтказаётган муҳим масалага эътибор қаратган. Бу мавзу шу кунларда барча газеталарнинг асосий таҳлил мезонига айланган. Ҳақиқатан ҳам "оммавий маданият" кўринишида ҳаётимизга кириб улгурган иллатлар оқибатини айрим фуқароларнинг ҳаётида дуч келган фожиалар мисолида кўрмоқдамиз.

Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг радиоканалидаги «Давр садоси» ахборот дастурида 29 август куни Зарбдор туманидаги 2-сонли умумтаълим мактабида янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, хусусан, спорт зали ва бошланғич синфлар учун инглиз тили хонасида тайёргарлик якунига етмаганлиги ҳақида танқидий лавҳа берилган. Мазкур эшиттириш эфирга узатилгандан сўнг, туман халқ таълими мутасаддиларининг маълум қилишича, мавжуд ҳолат ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилган. Хусусан, спорт залида таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, ҳозирда машғулотлар олиб борилмоқда.

Мониторинг натижалари маҳаллий ОАВнинг маълум ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўтариб чиқишдаги фаоллиги ошиб бораётганлигини намойиш этди. Уларда нафақат қонунбузилиш ҳолатлари, балки эътиборсизлик, масъулиятсизлик туфайли юз бераётган муаммолар ва уларнинг оқибатлари таҳлил қилинади. Мисол учун, "Қашқадарё" газетасининг 6 август сонидаги "Ҳувиллаб қолган ММТП ёки корхонанинг аянчли аҳволга тушиб қолишига кимлар сабабчи" сарлавҳали мақолада Миришкор туманидаги Муқобил машина трактор парки (ММТП) раҳбарлари Я.Шоймимов ва Б.Наширов парк тасарруфидаги техника воситаларини арзон нархларда сотиб юборгани, бунинг натижасида ҳудуддаги фермер хўжаликлари мураккаб аҳволга тушиб қолгани, ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ҳудуд иқтисодиётига ҳамда қишлоқ хўжалигига катта зарар етказгани, корхонани талон-тарож қилгани очиб ташланган.

Бухородаги "Истиқлол-ТВ" канали томонидан тайёрланиб, 28 августда эфирга берилган "Демократия кўзгуси" кўрсатувида шаҳардаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан фуқаролар мурожаатларига нисбатан эътиборсизлик билан қаралаётгани хусусида сўз боради. Кўрсатувдан сўнг унда келтирилган далиллар мутасадди ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, бу каби камчиликларга йўл қўйган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилган.

"Андижоннома" газетасининг 7 август сонидаги "Номи боғу..." сарлавҳали мақолада эса Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилаётган бир пайтда Бўз туманидаги маданият ва истироҳат боғи оддий талабларга ҳам жавоб бермаслиги, эгасиз ва қаровсиз қолиб кетгани, бу борада туман раҳбарияти эътиборсизлиги танқид қилинган.

Қўқон шаҳридаги "Мулоқот-ТВ" да "Бунёдкорлик ишларининг қадрига етайлик" номли танқидий лавҳа эфирга узатилгандан сўнг, Қўқон шаҳридаги "Туркистон", "Ҳамза" ва "Алишер Навоий" кўчаларидаги бекатлар қайтадан таъмирланган. "Куз-қиш мавсумига ҳозирлик ишлари" сарлавҳали танқидий лавҳа берилгач, шаҳардаги кўплаб хонадонларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича самарали ишлар амалга оширилган. Жумладан, А.Навоий мавзесидаги 110 та кўп қаватли уйда локал қозонхоналар янгидан қурилмоқда.

Ёки "Адолат кучи" газетасининг 15 август сонидаги "Йўлларда дил хуфтон бўлмасин!" сарлавҳали мақолада ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида бегуноҳ одамлар жабрланаётгани, бундай қоидабузарликларга йўл қўймаслик учун соҳа мутасаддилари ва автоулов ҳайдовчилари масъулиятли бўлиши лозимлиги таъкидланган. Эътиборли жиҳати, юқорида қайд этилганидек, муаммони чуқур ўрганиш, уни асослаш танқидий-таҳлилий мақолаларнинг пухта-пишиқ тайёрланишига хизмат қилган.

"Қарши-ТВ" канали томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиб бораётганлиги, ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлиги ҳақидаги репортаж эфирга узатилганидан сўнг, ЙПХ ходимларининг назорати янада кучайиб, автотранспорт ҳалокатлари сезиларли камайгани маълум қилинган. Шу телеканалнинг «Танганинг иккинчи томони» кўрсатувида эса сифатсиз тайёрланиб кўчаларда сотилаётган таомлар (хот-дог, гамбургер, шоурма ва ҳ.к) ҳамда морс, ўрик шарбати каби ичимликларнинг инсон саломатлигига зарари ҳақида сўз боради. Ушбу лавҳадан сўнг Қашқадарё вилояти ДСЭНМ томонидан бир қанча ноқонуний савдо расталари фаолиятига чек қўйилди. Яна шу телеканалнинг Қарши шаҳрида қад ростлаган ноқонуний, шаҳарсозлик қонун-қоидаларига зид равишда қурилган уй-жойлар танқид қилинган лавҳаси эфирга узатилганидан сўнг, 16 та ноқонуний қурилган гараж олиб ташланган.

Умуман, бундай танқидий-таҳлилий руҳдаги материалларни "Фарғона ҳақиқати", "Ферганская правда", "Шаҳрихон", "Жарқўрғон", "Олтинкўл", "Риштон ҳақиқати" газеталари саҳифаларида ва бошқа қатор ОАВда ҳам кўриш мумкин. Бу материаллар асосий эътибор жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари диққатини тегишли муаммога жалб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Юқорида келтирилган танқидий материаллардан кўзда тутилган асосий мақсад амалга ошгани, яъни улар жамият учун наф келтирганидан далолат беради.

Аммо, шу билан бирга, таассуфки, ОАВда чоп этилган қатор материаллар ҳануз жавобсиз қолмоқда. "Андижоннома" газетасининг 2013 йил 14 сентябрдаги "Мавзуга қайтиб..." рукни остида "Битмаётган бирлашма" сарлавҳали мақоласида газета 2012 йил 1 феврал сонида "Қолган ишга қор ёғди" сарлавҳали мақола мавзусига қайтган. Унда Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмаси биносининг қурилиш-реконструкция ишлари ўз якунига етмаётгани, бу ҳақда газета орқали берилган материалга мутасаддилар ўз вақтида муносабат билдирилмаётгани танқид қилинади.

Бундай мисолларни мониторингга тортилган деярли барча ОАВда кўриш мумкин. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: наҳотки бу каби соҳа мутасаддилари ОАВ бонг урган масалаларга шунчаки қўл силкиб қўя қолишни ўзларига эп кўришса ёки бу "тўртинчи ҳокимият" мақомида бўлган ОАВ фаолиятини менсимасликми? Мамлакатимизнинг икки йирик ва қадимий шаҳрида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси меъёрлари синовдан ўтказилаётган бир вақтда ОАВга бундай муносабат, албатта, кишини ўйлантиради ва давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригидаги "...одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, ...энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар", деган сўзлари ҳақлигини эслатади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бугун оммавий ахборот воситалари жамиятда кечаётган демократик ислоҳотларнинг нафақат фаол иштирокчиси, балки улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадиган кучли институтдир. Танқидий материалларга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мутасадди ташкилотларнинг масъулият билан ёндашуви асосида мавжуд муаммолар ўз ечимини топиши юртимиз тараққиёти, жамият равнақи, ҳаётимиз фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз. ОАВ фаолияти, матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида шу.

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги мониторинг гуруҳи**

---

**Замон ўзгаришлари**

# «БОЛАЖОН» КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Халқимизнинг болапарварлиги ўзига хос. Истиқлолимиз шарофати билан боланинг умид-истакларини рўёбга чиқариш, уни комил инсон қилиб тарбиялаш нафақат ҳар бир ота-онанинг, балки жамиятимизнинг бурчига айланди.**

Айни кунда мамлакатимизда «Дунёдаги барча яхши нарсалар болаларга», деган шиорга тўла-тўкис амал қилинаётгани, уларнинг тарбияси, билим олишлари, ҳатто мурғаклигидан бир неча тилларни ўзлаштиришлари учун саъй-ҳаракатлар қилинаётгани эътирофга сазовор бўлмоқда. Жорий йилнинг 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти қошида болаларга мўлжалланган янги рақамли «Болажон» телеканалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор бу борадаги умумфаолиятга ҳаётбахш руҳ бағишлади.

Кичик ва ўрта ёшли болаларга мўлжалланган мазкур телеканалнинг вазифаси болаларда оламни англаш, уларда миллий ва бошқа халқларнинг достонлари, эпослари, эртакларидаги қаҳрамонлар, персонажлар мисолида эзгулик ва адолат тушунчаларини шакллантириш ҳамда қарор топтиришга йўналтирилган билим берувчи дастурлар тайёрлаб, намойиш этишдан иборат. Шу ўринда, айниқса, замонавий интерактив усулларидан, рақамли ва мультимедиали технологиялар имкониятларидан фойдаланиб болаларнинг атрофоламни билиш, ундаги қизиқарли ва янги нарсаларни кашф этишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган махсус ўқув телекўрсатувлари тайёрлаш, уларда она-табиатга меҳр-муҳаббат ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда намойиш этилаётган «Билағон болажон», «Инглиз тили сабоқлари», «Соғлом болажон», «Эртаклар оламида», «Болажон энциклопедияси» каби кўрсатувлар кичкинтойларнинг тафаккур оламини қамраб олаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Тонгдан эфирга узатилаётган «Соғлом болажон», «Болажон гимнастикаси» каби кўрсатувларда эса кичкинтойлар жисмоний машқларга кўникма ҳосил қилмоқда. Табиийки, бу каби кўрсатувлар болаларни ҳали гўдаклигиданоқ спортга, соғлом ҳаёт тарзига тайёрлаб боради

Телеканалда намойиш этилаётган «Қўшимча дарс», «До-ми-сол», «Билағон болажон», «Эртаклар оламида» каби кўрсатувлар интеллектуал ўйинлар, викториналар болаларда ақлий ҳамда жисмоний меҳнатнинг бошланғич кўникмалари ва маданиятини шакллантиради.

Кун давомида бир неча марта намойиш этилаётган «Инглиз тили сабоқлари» ўқув кўрсатуви жажжиларнинг хорижий тилларга қизиқишларини кучайтирса, «Билағон энциклопедияси» дастури эса она табиатга меҳр-муҳаббат уйғотмоқда. Айни пайтда мазкур телеканалда юздан зиёд ижодкорлар ана шу эзгу ишларни ранг-баранг кўринишда такомиллаштириш ишлари билан банддир.

«Болажон» телеканали кўрсатувлари хусусида уй бекаси Муқаддас Назарова шундай фикрни билдирди:

— Тўғриси, «Болажон» телеканали фарзандларимнинг тарбиясига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳар куни эрталаб уйғотиб, уларга тишларингни тозаланглар, юз-қўлларингни ювинглар, дарсларингни вақтида тайёрланглар, дея таъкидлаб турардим. Ҳозир улар бу нарсаларни телевизорда кўрсатилганидек мустақил равишда ўзлари бажаришмоқда. Ҳатто уч ёшли қизалоғим ҳам экранда намойиш этилаётган жисмоний машқларни такрорлашга ҳаракат қилади.

— Бу телеканалдан инглизча санашни, кўпгина мевалар, сабзавотлар, ҳайвонлар ва уй жиҳозлари номларини инглиз тилида қандай аталишини ўргандим. Ҳар куни опам билан «Болажон» телеканалини томоша қиламиз, инглизча шеър ва қўшиқларни бирга айтамиз» — дейди 6 ёшли Нозимахон биз билан суҳбатда.

Ҳа, бугунги кунда «Болажон» телеканалидаги барча кўрсатувларни жажжилар ўзгача қизиқиш ва завқ билан томоша қилишмоқда. Кун давомидаги кўрсатувларнинг айрим дастурлардаги каби 3-4 соатигина уларга бағишланганидан кўра теледастурнинг тўлиғича болалар фикру хаёлини қамраб олишида катта фарқ бор, албатта. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, «Болажон» телеканалининг ўз вақтида ташкил этилиши фарзандларимизнинг замон билан ҳамнафас бўлиб камол топишида, ўз истеъдодларини эркин шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно, ва албатта, бахтли бўлишлари шарт».

**Шаҳноза ОЛИМОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# АДАБИЁТ — мислсиз мураббий

Бир қарасанг, ёзувчилар қалбларни ларзага соларли асарларни битаётгандай, одамлар эса уларни мук тушиб ўқиётгандай. Бир қарасанг, технологияларга кўмилган очунда адабиёт ертўламиздаги оқ-қора телевизор сингари унутилаётгандай, кишилар китоб очиб ўқишга вақт тополмаётгандай. Аммо ҳаёт ҳақиқати бошқача. Кўп нарса пул билан ўлчанадиган ҳозирги замонда тоғ-тоғ дурдона асарлар яратилмаяпти. Мухлислар навбатда туриб китоб харид қилаётгани йўқ. Шундай бўлса-да, нималардир ёзиляпти, нималардир ўқиляпти. Бу ҳақда адабиётшунос Абдулла УЛУҒОВнинг фикрларини билишга уриндик.

***— Лев Толстойнинг «Шекспир ва драма тўғрисида», Оноре де Бальзакнинг «XIX аср француз ёзувчиларига мактуб», Ян Парандовскийнинг «Сўз кимёси» каби дунё адабий жамоатчилиги эътиборини тортган асарлар бор. Уларнинг яратилганига неча йиллар бўлган эса-да, оҳори тўкилмай, шоир ва ёзувчилар учун ҳатто, қўлланма сифатида ҳам асқотмоқда. Нега ўзбек адабиётида бу каби маънодор тадқиқотлар кўзга ташланмайди?***

— Албатта, Лев Толстой, Оноре де Бальзак сингари улуғ адибларнинг, Ян Парандовский каби адабиётшуносларнинг тадқиқотлари ҳар қандай китобхоннинг адабиёт тўғрисидаги тасаввурини кенгайтиради. Сўз санъатининг моҳияти, мақсади, аҳамияти хусусидаги мушоҳадаларни бойитадиган мулоҳазалар илгари сурилган бошқа мақолалар, китоблар ҳам талайгина. Кўплаб Ғарб адиблари, Шарқ шоирлари сўз санъатининг ижтимоий хусусиятлари, бадиий ўзига хосликлари ҳақида жуда теран ва таъсирчан мулоҳазаларни юритган. Масалан, қадимдан бизгача етиб келган тазкиралар худди шу йўналишдаги тадқиқот саналади. Алишер Навоийнинг «Мезонул авзон», «Муҳокаматул луғатайн»ини, «Мажолисун нафоис» тазкирасини синчиклаб ўқиб чиққан кишининг Шарқ адабиёти тўғрисидаги, шеърият кунчиқар мамлакатлари адабиётида юксак мақомда туриши хусусидаги тасаввури бойийди.

Маълумки, О.Бальзак, Л.Толстой, Ян Парандовский Ғарб адабиёти тўғрисида фикр юритади. Навоий эса «Мажолисун нафоис» тазкирасида тўрт юз элликдан ортиқ шоирнинг, шеър муҳиби — ихлосмандининг ижоди, сўз санъатига муносабати, инсон сифатидаги феъл-атворига баҳо беради. «Хамса» муаллифининг мўъжаз, мухтасар таъриф-тавсифида икки жиҳат — инсонпарвар ижодкор муносабати ва сўз санъати жонкуяри мулоҳазаси бирлашиб кетади. «Мажолисун нафоис»ни ихлос билан синчиклаб мутолаа қилган ўқувчи, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади. Лев Толстой санъатдаги, адабиётдаги шартлиликни эътиборга олмасдан, бутун дунё буюк драматург сифатида эътироф этадиган Шекспир ижодини инкор қилади. Русларнинг улуғ адиби ўз фикрини мисоллар билан мустаҳкамлаб, асослашга интилсада, қарашлари субъектив фикр эканини бот-бот қайд қилади. «Мажолисун нафоис»да эса ижодкорларга муносабат билдиришда холисликка интилиш, фикрини далиллар орқали исботлаш устун туради. Тазкираларда, жумладан, «Мажолисун нафоис»да ҳам шоирлар ижоди ва шахсига қисқа, лўнда баҳо берилади. Масалан, «Мавлоно Абдуқаҳҳор — донишманд киши эрди. Ҳирот шаҳрининг муттаайин хуш таъбларидан эрди. Мавлононинг хаёли кимёгарликка тушиб кўп нима зое қилди ва ҳеч нима ҳосил қила олмади. Кўп ўт пуфлагандан модда қулоғи сори иниб кар бўлиб эрди. Аммо хўп абёти бор эрди», дейилади. Навоийнинг ушбу асаридан, умуман, Шарқ адабиётидаги тазкиралардан нафақат шоирнинг, адабиёт ва санъат аҳлининг, балки ҳар қандай одамнинг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти икки-уч жумлага жо бўлиши, кишининг бир умрлик изланиш, интилиши бир оғиз мақтов ёки маломат билан баҳоланиши аёнлашади.

Адабиёт тўғрисида фикр юритишда ҳам, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришда ҳам Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ўзига хос йўлдан боради. Уларнинг фикрида, мулоҳазаларида муштарак жиҳатлар бўлгани ҳолда, муайян фарқлар ҳам сезилади. Бу тафовут, аввало, манбаларнинг турличалигидан келиб чиқади. Европаликлар драма, сонет, роман тўғрисида фикр билдирса, тазкираларда ғазал, туюқ, рубоий, муаммо, қасида хусусида, улардаги маъно кўлами, қўлланган санъатларнинг салмоғи, қофияларнинг даражаси ҳақида мулоҳаза юритилади. Ғарб ва Шарқ донишмандларининг адабиёт ва ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги мулоҳазалари бир-бирига қиёсланса, ҳар бири ўзига хослиги аёнлашади. Фитратнинг «Бедил», «Адабиёт қоидалари», «Аруз ҳақида» асарлари ёки Чўлпоннинг «Адабиёт надур»и билан танишган киши европалик алломаларнинг адабиёт ва санъат тўғрисидаги мақолаларини ўқиётганда, албатта, шундай хулосага келади.

Тазкиралардаги саноқли сўзлардан иборат мулоҳазаларда ҳам теран маъно мужассам. Ихлос билан излаган, иштиёқ билан мутолаа қилган киши ўзбек ижодкорларининг адабиёт, санъат ҳақидаги мақолалари ҳам кенг қамровли, маънодор эканини ҳис қилади. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзоданинг мақолаларини, Абдулла Ориповнинг «Эҳтиёж фарзанди» китобини ким ўқиса, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади. Умуман, адабиёт тўғрисида, бошқа соҳалар хусусида сўз юритаётганда ҳам инкор этишга шошилмаслик, вазминлик билан олди-ортига қараб, фикр юритиш жоиз.

***— Одатда, бирор асар газета ё журналда эълон қилиниши билан мунаққидлар унга дарров ўз муносабатини билдириши анъана эди. Тўғрироғи, бир пайтлар шундай бўлган. Бугун эса ҳар қанча яхшию ёмон асарлар ёзилмасин, мунаққидлар бирор фикр билдиришмаяпти. Гўё ҳеч нарса яратилмагандек...***

— Ҳамма нарсанинг ўз замони бўлади. Жумладан, соҳа, йўналиш, касб-корнинг ҳам. Қадимда ҳар бир қишлоқда эгарсоз, темирчи, ўтовсоз, бешикчи усталар бўлган. Ҳозир айтинг-чи, қаерда тегирмон тоши ясайдиган ёки от абзалларини тайёрлайдиган уста бор? Айни касбларга эҳтиёж йўқлиги туфайли унутилиб кетмоқда. Касблар ҳам тирик мавжудотга ўхшайди: туғилади, яшайди ва барҳам топади. Адабий танқидчиликнинг тарихига ва унинг айни пайтдаги аҳволига назар ташланса ҳам, худди шу ҳолат кузатилади. Адабий танқидчилик рус адабиётида В.Белинский, Н.Добролюбов яшаган даврда гуллаб-яшнаган. Ҳозирги пайтда эса у деярли эътибордан четда қолган. Айни манзара нафақат рус адабиётида, балки бошқа халқлар адабиётида ҳам кузатилади. Ўзбек адабиётида эса адабий танқидчилик ўтган асрнинг 70—80-йилларида ғоят эътибор топди. Албатта, унинг зиммасига шўро мафкурасини тарғиб-ташвиқ этиш вазифаси юклатилган эди. Адабий танқидчилик ана шу вазифани бажаришда фаоллик кўрсатгани ўша давр газета-журналларини варақлаганда аниқ билинади. Ҳозир ҳар қачонгидан кўп бадиий асарлар босилиб чиқмоқда. Аммо уларга муносабат билдиришда адабий танқидчилик сусткаш бўлиб қолди. Бунинг эса сабаблари талай. Аввало, мунаққид нашр этилган шеър, ҳикоя, қисса, роман ёки таржима асар тўғрисида тақриз, мақола битишдан ҳеч қандай манфаат кўрмайди. Асарни ўқиш, уни таҳлил қилиб, мулоҳазаларини қоғозга тушириш эса осон, жўн иш эмас. Бунинг учун ҳам ақлий, жисмоний қувват ва вақт сарфланади. Одам эса сарфланган қуввати, вақтидан, албатта, фойда олишни истайди. Ҳар қандай ишга, у хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний меҳнат бўлсин, одамни манфаат ҳисси ундайди. Киши мўлжалидагидай манфаат олмаган ишига қайта қўл урмайди. Фойдасиз машғулотдан одамнинг ҳафсаласи тезда совийди. Машғулот, меҳнат моддий ва маънавий эҳтиёжини қондирсагина киши унга иштиёқ, ҳафсала билан уринади. Адабиётшунос, мунаққидларнинг адабий жараёнга бепарволиги, янги асарларга лоқайдлик билан қараши босилиб чиқаётган роман, қисса, ҳикоя, достон, шеърлар тўплами тўғрисида мулоҳаза билдиришдан манфаатдор эмаслигидан келиб чиқади.

Истайсизми, йўқми, танқидни ҳеч ким хушламайди. Барча замонда шундай бўлган. Ҳозир эса кишиларда ушбу хусусият ғоятда ривожланган. Қадимда донишмандлар: «Мақтасалар ғурурланма, маломат қилсалар ранжима, одамлардан ҳеч нарса таъма қилма» дейишган. Бу ўгит айни ҳақиқат эканини ҳамма яхши англайди. Аммо амалда — ҳаётда камдан-кам одам бунга амал қилади. Ҳар қандай ижодкор асари тўғрисидаги танқидий фикрдан, асослими-асоссизми, бундан қатъи назар, албатта, қаттиқ ранжийди. Чунки ҳамма меҳнати учун маломат эмас, мақтов эшитишни, ҳаракати, хизмати эътироф этилишини истайди. Абдулла Орипов, Рауф Парфининг шеърларини танқид қилиш, назаримда, чиройли очилган гулни хивич билан савалашга ўхшайди. Матбуотда шеърлари, ҳикоялари билан кўрина бошлаган қаламкашга «ҳужум» қилиш юракнинг қоралиги, кўнгилнинг шафқатсизлик, ёвузликка мойиллиги, бахиллик, ҳасад ҳужайралари мияни буткул қоплаб олганини намоён этади. Ҳамма замонда яхши асар кам, жўн, бадиийликдан йироқ асар эса кўп бўлади. Бадиий ночор асарларни аёвсиз савалаш орқали баркамол асарларни «туғдириб» бўлмайди. Бадиий баркамол асар худди олтинга ўхшайди. Олтин зарралари худди қум, тош каби исталган сойда сочилиб ётмайди. Олтин зарралари, ҳатто конида ҳам ҳар замонда, кутилмаганда чиқиб қолади. Яхши асарлар кам бўлгани учун ҳам худди тилла каби қадрланади.

***— Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси»дан кейин адабиётимизда бу йўналишда жўялироқ дарслик яратилгани йўқ. У китоб ҳам эски давр сиёсати нуқтаи назаридан ёзилган. Мустақилликдан сўнг бир қанча шундай асарлар яратилди. Бироқ бу тадқиқотлар адабий муҳит кўламини тўла қамраб ололмаётгандай. Сизнингча, янги мукаммал назарияни ким ва қачон яратиши мумкин?***

— Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси» дарслигида ўша давр адабиётшунослигидаги қарашлар умумлаштирилган ва албатта, адабий ҳодисаларга давр мафкураси мезонларидан келиб чиқиб ёндашилган. Икки жилдлик «Адабиёт назарияси»да худди шундай йўл тутилган. Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз адабиёт намуналари атрофлича таҳлил этилган. Рубоий, ғазал сингари жанрларнинг моҳияти очиб берилган. Роман, қисса, ҳикоя, достон, сонет кабилар тўғрисида ҳам талай тадқиқотлар битилган. Мумтоз адабиётни ёритишда ҳам, замонавий адабиётга бағишланган илмий ишларда ҳам ўзбек адабиёти бошқа халқлар адабиёти билан қиёсланган. Лекин адабиётни илмий-назарий тадқиқотлардаги мулоҳазалар эмас, истеъдодли ижодкорларнинг изланиши ўзгартиради. Адабиётшунос, мунаққиднинг қарашлари, фикри шоир, адибнинг яхши асар яратишига туртки беради, холос. Бундан бошқа нарса эмас. Ҳар қандай назария мавжуд асарларни ўрганиш, таҳлил этишга асосланади.

Назария — аввалги асарлардан чиқарилган хулоса. Шу боис ҳеч бир назария мукаммал бўлолмайди. Асарларга, адабий жараёнга ҳамиша давр талабларидан келиб чиқиб ёндашилади, баҳо берилади. Бу — табиий ҳол. Шундай бўлиши керак. Навоиий замонидаги аруз ўлчовлари бугунги адабиёт учун мезон бўлолмаслиги ҳам буни тасдиқлайди. Ҳар бир замон ўзининг адабиёт назариясига асосланади.

Назария тез-тез ўзгарадиган об-ҳаво эмас. Адабиёт тўғрисида эрамиздан аввал Арасту айтган гаплар ҳануз ўз кучида турибди. Шу боисдан адабиёт тўғрисида сўз юритилганда, албатта, Арастунинг «Поэтика»сидан иқтибос келтирилади ёки Навоийнинг «Мезонул авзон»и, Бобурнинг «Мухтасар»и аруз тўғрисидаги тадқиқотлар учун таянч манба бўлиб келмоқда. Аруз тўғрисида шу пайтгача сон-саноқсиз тадқиқотлар битилган бўлса-да, уларнинг барчасида бир хил фикр илгари сурилган. Бу ҳам ҳар қандай назария, жумладан, адабиёт назарияси қишки, баҳорги, ёзги, кузги либос эмаслигини билдиради. Адабиёт назариясига доир барча тадқиқотлар аввалги қарашлар асосида юзага келади.

Автомобиллар, телефонлар, умуман, барча техника воситалари тез ўзгариб, такомиллашиб боради. Санъат, адабиётда эса ўзгаришлар ғоят секин кечади. Инсоният тарихида санъат ва адабиётдаги энг жиддий янгиланиш XX асрда кечган. Барча халқлар тарихи шундан далолат беради. Ўзбек маданияти ҳам жаҳон миқёсида кечган бу жараёндан мустасно эмас. Унда Европа маданиятига хос опера, балет, ария, театр, тасвирий санъат кабилар пайдо бўлди.

***— Мен барча фикрингизга қўшилган ҳолда сиздан “ёш адабиётчиларимиз яратишади ўша янги назарияни”, дейишингизни кутгандим.***

— Бирор мевали дарахтдан қаламча олиб, унинг янги кўринишини ҳосил қилиш мумкиндир. Аммо адабиётни тарихий ўзанидан юлиб олиб, янгисини яратиб бўлмайди. Нуқтаи назар ўзгачароқ бўлиши мумкин, холос. Масалага жиддийроқ қарайлик. Адабиётга қизиқиш, интилиш кишиларда сўниб бораётгани кузатилмоқда. Бу жараён нафақат бизда, балки дунё миқёсида кечмоқда.

Гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ, одам савдосига қўл урганлар, порахўрлик, таъмагирлик қиладиганлар, танасини сотадиганлар, қўшмачилик қиладиганлар, фол кўриб, одамларни алдайдиганлар тирикчилик шунга мажбур қилди, деб ўзини оқлайди. Уларнинг аксарияти ўзини жиноят қилган санамайди... Ёшлар ҳам банк иши, тижорат, таржимонлик кабиларга истиқболли соҳа сифатида интилаётган экан, бунга замоннинг зайли деб қараш, уларга ҳайрихоҳ бўлиш лозим. Илмий даража, илмий унвонга эга бўлиш учун диссертация иши ёқлайдиганлар ва шундай ишни тайёрлаб берадиганлар барча замонда кўп бўлган. Бунга батамом барҳам беришнинг иложи йўқ. Чунки ҳаёт давом этар экан, қинғир иш қиладиганлар, албатта, чиқади. Ҳеч бир соҳа бундан мустасно эмас. Қонун ҳимоячилари орасида ҳам қонунга тескари иш тутадиганлар ҳар доим топилган ва ҳозир ҳам шундай. Ёшларнинг адабиётшуносликка қўл уришида ҳам сўз санъатига қизиқишидан кўра бошқа илинж, бўлак мақсад кўплиги сезилиб туради.

***— Бугун яратилаётган асарлардан адабиётчи ёки китобхон сифатида кўнглингиз тўладими?***

— Мени янги асарларнинг бадиий даражасидан кўра уларнинг қизиқиш билан ўқилмаётгани кўпроқ ўйлантиради. Албатта, телекўрсатувлар, фильмларни томоша қилиш ҳам китобхонликнинг ўзига хос замонавий шакли. Аммо аждодларимиз ардоқлаган китоб мутолааси бўлакча олам. Кишилар шу ғаройиб, сирли оламдан тобора узоқлашишаётгани ачинарли. Афсуски, шу кунларда бутун дунёда бу жараён тезлашиб, кўлами кенгайиб бормоқда. Аммо бу жараён узоқ давом этмаса керак. Одамлар, албатта, китобхонликка қайтади. Китобхонлик — эҳтиёж билан боғлиқ масала. Миллий адабиётимиздаги аҳволга келсак, алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиёти дарёсининг ўзани ҳамиша тўлиб оққан. Бу бизнинг катта, улуғ халқ эканимизни билдиради. Бизда истеъдодлилар жуда кўп. Романлар, қиссалар, ҳикоялар, шеър, достонлар ёзилаётгани, газета-журналлар таҳририятидаги тортмалар янги асарларга лиқ тўла экани буни тасдиқлайди. Назар Эшонқулнинг ҳикоя, қиссалари, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Ҳалима Аҳмаднинг шеърлари бошқа халқлар адабиётидаги энг яхши асарлар билан ҳар жиҳатдан бўйлаша олади. Собир Ўнар, Уйғун Рўзиев асарлари ҳам ажойиб. Улуғбек Ҳамдам асарлари хорижда ҳам эътироф этилаётгани кишини қувонтиради. Бадиийликдан йироқ, жўн асарлар анча эканига келсак, бу куйиниб, жиғибийрон бўлишга арзимайди. Бу ҳолат аввал ҳам кузатилган, бундан кейин ҳам барҳам топмайди.

Шуни унутмайликки, адабиёт — мислсиз мураббий. Инсоният шу пайтгача эришган барча яхши фазилатлар замирида адабиёт туради. Адабиёт кишиларга инсонпарварликни, бир-бирини қадрлашни ўргатади. Аниқроғи, ўзларига сездирмаган ҳолда, қалбига айни ҳисни сингдиради. Бошқа бирор соҳа, дейлик, физика, фалсафа бундай ишни адо этолмайди. Ҳар қандай иш-ҳаракат, фаолият одамнинг онгидан, қалбидан бошланади. Қалби эзгу ҳисларга тўлиқ бўлса, киши чумолига ҳам озор бермайди. Бировга ёмонликни соғинишдан уялади. Асарларда азал-азалдан эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги муросасиз кураш кўрсатилади ва бундан ҳар бир одам ўзи учун керакли хулоса чиқариб олсин, дейилади. Киши ўзи ҳис этиб, хулоса чиқармагунча, унинг фаолиятида бирор ўзгариш рўй бермайди. Бадандан тер чиқарган таом энг фойдали овқат саналганидай, туйғу уйғотган, турли кечинмалар ҳосил қилган, ўйлантирган, кишини ўз-ўзи билан савол-жавоб қилишга мажбурлаган шеър, ҳикоя, қисса, роман яхши асардир. Адабиётга ихлос қўйган кишининг қалби ҳамиша ёруғ ҳислар билан нурланиб туради. Энг муҳими, бу нурдан барча баҳраманд бўлади. Адабиётдан баҳраманд инсон бошқаларга фақат яхшилик соғинади. «Адабиёт ҳаёт ҳақиқатини акс эттиради», деган қараш сўз санъатининг тарбиявий имкониятини инкор этмайди. Аксинча, унга шундай вазифа юклатилганини таъкидлайди. Асарларда ёвуз кучларнинг маккорлиги, шафқатсизлигини кўрсатиш орқали эзгуликка ундалади. Чунки эртак, достонларда ҳам, замонавий адабиёт намуналарида ҳам эзгуликнинг ғалабаси, ёвузликнинг жирканчлиги кўрсатилади. Элдошларимизнинг феъл-атворидаги, кишиларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги энг яхши хусусиятлар адабий асарларда улуғланган ҳақиқатлар асосида шаклланган. Момоларимиз, оналаримиз айтган алла, қўшиқ, эртакларда эзгу фазилатларни эгаллашга даъват этилган. Инсоният аввалги замонлардаги каби бундан кейин ҳам сўз санъатининг ҳаётбахш таъсири остида яшайди. Адабиётга ким қанча яқинлашса, қалбига шунча кўп меҳрни жойлайди ва бу меҳрни бошқаларга беминнат улашишдан завқ, ҳузур-ҳаловат ҳис қилади. Меҳр шундай ажойиб ҳиссиётки, уни одамларга, жонзотларга, дов-дарахтларга берганинг сайин ўзингда кўпайиб бораётганини ҳис қиласан ва бундан қалбингда чексиз лаззат туясан. Адабиётни англаш, унинг асл асарларини мутолаа қилишдан ҳар бир киши маънан, руҳан улғаяди ва унга бутун борлиқ мислсиз мўъжиза, ҳаёт бебаҳо неъмат, туганмас завқ манбаи бўлиб кўринаверади.

**Фозил ЖАББОРОВ**
**суҳбатлашди.**

## Ёдлов

Ҳаваскор қаламкаш учун журналистика факультетида таҳсил олиш қанчалик омад саналса, бу даргоҳда ижодкор дўстлар орттириш ундан-да улканроқ бахт экан. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) талабаси бўлганимда Аъзам Ўктам билан битта аудиторияда таҳсил олган кезларим умрбод қалбимга муҳрланган. Ўшанда бўлғуси шоир билан адабиёт ҳақида суҳбатлашардик. Унинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мулоҳазаларини тинглаш мароқли эди. Қалами ўткир, сўзи кескир устоз адиб ўз даврида замондош қаламкашларни, айниқса, нўноқроқ ёзувчиларни аямаганини, қандай танқид қилганини ҳамкурсимиз худди ўз кўзи билан кўргандек сўзлаб берарди.

# Асов туйғулар



Биз ҳам давримизнинг қайси ёзувчи-шоири зўр-у, қайбирлари ғўррoқ экани ҳақида курсимизнинг «Абдулла Қаҳҳор»идан сўрайдиган бўлдик. У шеъриятда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Анвар Обиджон, насрда Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод ижодини содда тилда таҳлил қилиб берарди. Керак бўлса, сумкасидан китобларини чиқариб, баъзи саҳифаларини ўқиб, сатрлар замиридаги фалсафий фикрларни тушунтирарди. Тўпламлари чиққан бўлса-да, шеърларини деярли ҳеч ким эсламайдиган баъзи шоирлар ҳақида Аъзам аканинг танқидий гапларини эшитиш мароқли эди. Ўзимиз таниган-билган баъзи қаламкашлар ҳақида "Фалончининг ижодига қандай қарайсиз?" деган саволимизга жавобни бопларди. Танқидий фикрини образли қилиб, шундай тушунтирарди: "Шеърлари худди ўзига ўхшайди; истараси иссиқ, ясама тиржайиб гапиришни қойиллатади, бироқ уни ҳеч ким яхши гап билан эсламайди. Мана, ўзингиз ҳам унинг қайси шеърини ёддан айтоласиз? Бирор даврада унинг шеърини ўқишаётганини эшитганмисиз? Йўқ! Демак, шеъри шоирдан аввалроқ ўлгани шу". "Ҳай-ҳай, беаёв танқид қилишда Абдулла Қаҳҳордан ҳам ўтиб кетдингизку", дердик ҳазиллашиб. "Мен уларнинг ортидан оғизботирлик қилаётганим йўқ, — дерди Аъзам ака кескин бош чайқаб. — Тунов куни Ёзувчилар уюшмасида юзига шартта-шартта айтганман".

Талабалик йилларидаги энг ҳаяжонли дамлар Сирдарё пахта далаларида кечган. Кун бўйи пахта териб толиққан ҳашарчиларнинг чарчоғи адабий гурунгларда чиқиб кетарди. Кечки овқатдан сўнг ҳамма гулхан атрофига ошиқарди. Бепоён далани қоплаган тун зулмати ичра биз ёққан гулхан шуъласи ажиб манзара кашф этарди. Қўшиғу шеърлар қалбимиздаги ажиб туйғуларнинг инъикоси эди гўё. Гал Аъзам Ўктамга етганида мухлислари чапак чалар, баъзи шеърларига жўр бўлишарди:

*Фарғонадан келаман,*
*келасанми ёр-о, келасанми ёр?*
*Сенга ошиқ бўлганлигим*
*биласанми ёр-о, биласанми ёр?*

*Одамлар бор дунёда*
*ғоятда маккор-ей, доғули, айёр —*
*Соянгни ҳам чоҳ кавлаб,*
*кўммоққа тайёр-ей,*
*кўммоққа тайёр.*

*Бир бошга бир ўлимни*
*бўйинга олдик-о, бўйинга олдик,*
*Ким бевафо бўлса,*
*уни худога солдик-о,*
*худога солдик...*

Шеър шу ерга етганида жўр бўлаётганларнинг дами ичига тушиб кетар, ҳамма ҳадик ичра домла томон кўз қирини ташларди. Негаки, бу даврда худо сўзини минбаъд шеърга солиш, унга илтижо қилиш, сано айтиш мумкин эмасди.

Фикрлари асов отдек жиловланмаган бунақа ёшларни кўравериб "кўзи пишган" домламиз эшитмаганга олар, сўнг ухлайдиган пайт бўлмадимикин, дегандек соатига қарарди.

Давра ўртасида ёш шоир аъзамона оҳангида давом этарди:

*Сувнинг тиниғи туриб,*
*ичди лойини-ё, ичди лойини.*
*Эсон бўлсак кўрармиз*
*унинг ҳолини-ё, унинг ҳолини.*

*Ўтмишнинг кўзига қум*
*сочмак хатодир-ей, сочмак хатодир.*
*Таскиним шул — якканинг*
*ёри худодир-ей, ёри худодир!*

Шу он кимдир бир челак сув кўтариб келганча гулханга урарди. "Паш" этган товуш чиқиб, ҳаммаёқ зулматга айланарди. Ачимсиқ тутун иси димоққа урилганча барак томон одимлардик. Ёғдудан асар ҳам қолмаган бўлса-да, зулмат ичра оташнафас шоирнинг оҳанграбодек товуши қандайдир маънавий нурга айланарди:

*Таскиним шул — якканинг*
*ёри худодир-ей, ёри худодир!*

Ким нени изласа топгай бегумон, деганларидек, юртимиз истиқлоли шарофати ила қадр топган диний қадриятларимиз шоир Аъзам Ўктам ижодий фаолиятида ёркин саҳифаларга айланди. У 1992 йилда Чўлпон нашриётида Қуръони Каримнинг маънолари она тилимизда китоб ҳолида чоп этилишида муҳаррирлик қилди.

Ҳа, талабалик йилларимиз ортда қолди. Истеъдодли ижодкорлар журналистика факультетининг нонини оқлаб таҳририятлар, нашриётлар, телевидение ва радио ҳамда бошқа ижодий ташкилотларда ўз ўринларини топиб кетдилар. Ҳамкурслар онда-сонда дийдор кўришадиган бўлдик. Аъзам Ўктам ҳар гал даврамизга файз киритиб, янги шеърий тўпламини кўтариб келарди. "Кузатиш", "Кузда кулган чечаклар", "Тараддуд", "Икки дунё саодати" тўпламлари қўлма-қўл бўлиб ўқиларди. Соғинчли суҳбатлар, албатта, шеърхонликка уланарди.

Не ҳолки, кўп ўтмасдан Аъзам Ўктамнинг орамизда йўқлигига ҳам кўника бошладик. Аммо адабиёт соҳасида катта устозлардан кўпроқ сабоқ берган дўстимизнинг 2011 йилда "Абу матбуот-консалт" нашриёти томонидан чоп этилган "Осмон яқин" китобини қайта-қайта варақлар эканман, ундан ўрин олган ҳар бир шеър янгидан барг ёзаётган ниҳолдек бўй кўрсатаверади. Айтайлик, "Менинг эртагим" сарлавҳали шеърида эртак айтаётган отанинг фарзандига панд-насиҳатлари ўз ифодасини топган:

*Боламмассан, мудрасанг*
*бу жуда узун эртак.*
*Тингла агар бўлайин*
*десанг ҳақиқий эркак.*

Аслида, эртак болаларни маънан улғайтириш учун айтилиши лозим. Ушбу шеърдаги аъзамона руҳ сўнгги сатрда ўз аксини топади. Яъни, шоирнинг "ухлатмаслик учун айт!" деган даъватида келажагимиз бўлган болаларни уйғоқликка чорлаш бурчимиз экани таъкидланаётгандек:

*Боқ халқинг ўтмишига*
*эртангни ўйлаган пайт:*
*Эртак айтсанг ўғлингга,*
*ухлатмаслик учун айт!*

Тўпламдан ўрин олган "Хосият момо армони", "Қишлоғим таърифи", "Саҳро изтироби", "Тувакдаги гул", "Пишиқчилик", "Ҳолат", "Юксакликда", "Чироқ", "Журъат" каби шеърларида ҳам муаллиф қисқа умри давомида англаб етган ажиб фалсафасини бадиий лавҳаларда юксак маҳорат ила тасвирлайдики, бундай шеърлар замонлар оша китобхон қалбини ҳаяжонга солиши бешак. Шоирнинг руҳан тириклиги, умрбоқийлиги ҳам ана шунда.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**ЎзМУ доценти**

Футбол

# КИЧИК МУНДИАЛДАГИ КАТТА ОМАД

**Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича навбатдаги U-17 жаҳон чемпионати давом этяпти. Унда дунёнинг йигирма тўрт мамлакати олти гуруҳда “кичик жаҳон тожи” учун курашга киришган. Мундиалда Марказий Осиёдан ягона вакил — Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Ўсмирларимиз учун U-17 тоифасидаги турнир 2-мундиал эканини яхши биласиз. Эслатиб ўтамиз, 2011 йили Мексикада ташкил этилган олдинги мусобақада Алексей Евстафеев етакчилигидаги жамоамиз кучли саккизликка кирган.**



Терма жамоамиз бундан бир йил олдин Эронда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионати йўлланмасига эга чиқиш билан бирга қитъа бош совринини қўлга киритишганидан яхши хабардорсиз. Дилшод Нуралиев қўл остидаги ёшлар терма жамоамиз эса мазкур чемпионатга қарийб бир йил пухта тайёргарлик кўрди. Юртимиз ҳамда хорижда ўтказилган ўқув-йиғин машғулотлари, ўртоқлик учрашувларида футболчиларнинг жисмоний ва тактик тайёргарликларини оширишга катта эътибор қаратилди. Жаҳон чемпионатига йўл олиш арафасида Ўзбекистон футбол федерациясида ўтказилган матбуот анжуманида Дилшод Нуралиев ёшларимиз чемпионатга ҳар жиҳатдан тайёр эканини ва камида мусобақанинг ярим финалигача чиқишни ўз олдиларига мақсад қилганини таъкидлаб ўтган эди.

— Жамоамиз қарийб уч йилдан буён фаолият олиб бораяпти. Дастлаб Осиё чемпионатига тайёрланган бўлсак, мана бир йилдан буён жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраяпмиз. Осиё чемпионатида қатнашган фуболчиларимиз жамоамизнинг асосини ташкил этади. Янги таклиф этилганлар ҳам бор. Уларни сўнгги пайтларда ўзлари тўп сурган жамоаларида алоҳида ўрнак кўрсатгани, маҳорати ўсгани учун таркибга киритдик. Гуруҳ босқичидаги рақибларимиз ҳам юқори даражада тайёргарлик кўришгани табиий. Улар иштирокидаги ўйинларни кузата туриб, бунга амин бўлдик. Энди рақибларимизга қарши муносиб ўйин ўтказиш тасаввурига эгамиз, — дейди жамоа бош мураббийи.

Бу сафарги кичик мундиалда Европадан 6 та, Осиё ва Австралиядан 5 та (1 таси мезбон сифатида), Шимолий ва Марказий Америка, Жанубий Америка ва Африкадан 4 тадан, Океаниядан эса 1 та жамоа иштирок этади. Эътиборлиси, БААда бирданига 5 та юрт вакиллари U-17 белгисидаги мундиалда ўз дебютларини нишонлашади. Булар гуруҳдошимиз — Марокаш, шунингдек, Венесуэла, Россия, Словакия ва Швеция термалаларидир.

17 октябрдан 8 ноябргача давом этадиган бу сафарги мусобақада мухлислар 52 та ўйинни кузатиш имкониятига эга. БАА — 2013 йил ўйинлари учун барча шароитлар яратилган. Беллашувлар мамлакатнинг Ал-Айн, Абу-Даби, Дубай, Рас-ал Хайма, Ал-Фужайра, Шаржа шаҳарларида ўтказилмоқда. Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳ босқичидаги ўйинларига келсак, уларнинг 3 таси ҳам битта “Фужайра Клуб” аренасида бўлиб ўтади. Яъни вакилларимиз илк босқичда Фужайрадан ташқарига чиқмайдилар.

Бевосита Ўзбекистон U-17 жамоаси ўрин олган С гуруҳи ҳақида тўхталадиган бўлсак, унда Марокаш, Панама, Хорватия термалари ўрин олган. Хорватия ўсмирлари вакилларимизга анча ташвиш туғдириши олдиндан маълум эди. Аммо улар биринчи турда Марокаш жамоасига ютқизишди. Мазкур жамоа билан юртдошларимиз гуруҳнинг сўнгги турида рўбарў келишади. Унгача кейинги босқич масаласини ўсмирларимиз ҳал этиши керак. Шу кунгача футбол турнирларида унча ном қозонмаган Панама ўсмирларининг ўйини ва таркиби борасида жўяли фикр айтиш қийин эди. 18 октябрь тунида кечган биринчи учрашувда Дилшод Нуралиев шогирдлари панамалик тенгқурлари билан мазмунли футбол намойиш этиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Бевосита ўйин маромига тўхталсак, учрашувнинг биринчи бўлимида иккала жамоа вакиллари ҳам жуда кўп хатога йўл қўйишди. Тўпни шерикларига аниқ етказиб беришда, ҳимоядаги палапартишликларда, марказий ярим ҳимоячиларнинг ҳужумчиларга қулай имконият вужудга келтиришда хатолари яққол кўриниб қолди. Мутахассислар буни чемпионат босими ва ҳаяжон юки билан изоҳлашди. Иккинчи бўлимда ўйин услуби кескин ўзгарди. Энди биринчи бўлимдаги ҳаяжондан асар ҳам қолмаган эди. Бундан ташқари, қанотлардан ҳужумларнинг кескинлашиши рақибни чалғитди. Ана шундай ўнг қанотдан амалга оширилаётган ҳужумдан сўнг рақиб томонидан ўйин қоидаси бузилди. Панамаликлар дарвозаси томон оширилган жарима зарбасига ҳаммадан олдин етиб келган Шоҳжаҳон Аббосов, ўйиндаги ҳисобни 1:0 кўринишига олиб чиқди. Муваффақиятдан анча руҳланган вакилларимиз шундан сўнг янада кўпроқ ҳужумга эътибор қаратишди. 76-дақиқада ҳисоб яна биттага ошди. Бурчак зарбаси тепилган пайтда рақиб жарима майдончасида панамалик ҳимоячилар томонидан эътиборсиз қолдирилган тўп ҳимоячи Рустамжон Ашурматовнинг зарбасидан кейин рақиблар дарвозасидан жой олди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Панама ўсмирлар терма жамоасининг ўйин давомида уюштирган ҳужумлари ҳам кескин тус олди. Рақиб ҳужумчилари томонидан бир неча бор аниқ йўлланган зарбани Сарвар Каримов маҳорат билан қайтара олгани унга нисбатан мухлислар ҳурматини оширди.

Ушбу беллашув завқи иккинчи тур ўйинлари арафасида ҳам мухлислар кўнглини тарк этмади.

Иккинчи турда Ўзбекистон ўсмирлари биринчи турда Хорватия терма жамоасини йирик — 3:1 ҳисобида мағлуб этган Марокаш ўсмирлари терма жамоаси билан майдонга тушишди.

Бунгача хориж оммавий ахборот воситалари мутахассислари томонидан рақибларимизнинг кучи, маҳорати анча баланд деб баҳоланаётган эди. Тўғри, марокашлик ўсмирларнинг жисмоний ҳолати, гавда тузилиши, тўп билан муомала қилиш маҳорати яққол кўзга ташланиб турди. Ҳатто аксарият футболчилар Европанинг етакчи клубларида тарбияланаётгани ҳам гўё орада катта фарқ туғдираётгандай эди. Аммо барча ўзбек ёшларига хос бўлган юксак ватанпарварлик туйғуси футболчиларимизнинг майдондаги фидойилигида яна бир бор намоён бўлди. Учрашувдан олдин бош мураббийлар билан ўтказилган матбуот анжуманида Дилшод Нуралиев марокашликлар биринчи турда ажойиб ўйин намойиш этиб Европа вакилини таслим этганлигини таъкидлаш билан бирга, ўз жамоаси бундай рақиб билан ўйнашга тайёр эканини, уларга қарши зарур тактика топишини айтиб ўтганлиги ҳам жамоа кучига бўлган ишончдан далолатдир.

Учрашувдан аввал тахмин қилинганидек марокашлик футболчилар ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб диққат эътиборларини ҳужумга қаратишди. Бунга жавобан жамоамиз ҳимоячиларининг хотиржам қарши тура олгани таҳсинга лойиқ. Биринчи бўлимда тўп назорати ҳам асосан рақиб жамоаси ихтиёрида бўлди. Аммо улар бундан бирор наф чиқара олганлари йўқ. Футболчиларимизнинг жисмонан кучли ва тезкор ҳужумлар уюштираётган рақибга қарши ҳимоявий усулни қўллагани ўзини тўла оқлади. Бундай дейишимизга сабаб биринчи бўлимда рақиблар Сарвар Каримов қўриқлаётган дарвозага кучли босим ўтказишга ҳаракат қилишган бўлса-да, мақсадга эриша олмади.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида жамоалар анча очиқ футбол намойиш этишди. Вакилларимиз ҳам рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни амалга ошира бошладилар. Мураббий томонидан амалга оширилган тактик ўзгаришлар ва тезкор ўйинчиларнинг майдонга туширилиши марокашликларга анча ташвиш туғдирди. Ўйин охирига қадар ҳар иккала жамоада ҳисобни очиш учун қулай имкониятлар бўлди. Учрашув 0:0 ҳисобида якунланди. Томонлар биттадан муҳим очкони қўлга киритиб, нимчорак финалга чиқдилар. Энди Хорватия ўсмирлари билан кечадиган учрашувдаги ҳисоб Ўзбекистон ёшларининг гуруҳдан нечанчи ўрин билан кейинги босқичга чиқишини белгилаб беради. Албатта, мазкур учрашувда ҳам вакилларимиздан ғалаба кутиб қоламиз.

**«С» гуруҳининг иккинчи турдан кейинги ҳолати қуйидагича:**

| Жамоалар номи | Ўйин | Т-н | Очко |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 2 | 2-0 | 4 |
| Марокаш | 2 | 3-1 | 4 |
| Хорватия | 1 | 1-4 | 3 |
| Панама | 1 | 0-3 | 0 |

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**“Hurriyat” мухбири**

Ҳунармандлик

# МИТТИ ГЎША ОҒУШИ

*Манбалар гувоҳлик беришича, бешик ҳақидаги илк маълумотни Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асарида учратиш мумкин. Хўш, ўзи бу митти гўша қандай афзалликларга эга? Суҳбатдошимиз Навоий вилоятининг Кармана туманидаги “Азамат” МФЙда яшовчи бешиксоз Олим Омонов бўлди.*



Бу инсон бешик ясовчи усталарнинг учинчи авлоди эканидан фахрланади. Қарийб ўттиз йилдан буён ота мерос ҳунарни ардоқлаб келаётган Олим ака ўзи яшаётган қишлоғида катта обрў-эътиборга эга. Бу соҳанинг сир-асрорларини фарзандларига ўргатишдан ташқари кўплаб шогирдлар тарбиялаб, миллий қадриятларимиздан бири ҳисобланган бешикчиликнинг кейинги авлодларга ҳам мерос бўлиб қолишида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Бешиксозлик билан ота-боболаримиз шуғулланишган, — дейди Олим ака. — Шунинг учун бу ҳунарни қачон, қандай ўрганганимни изоҳлашга қийналаман. Қолаверса, бу ҳунарни кимдир давом эттириши шарт. Акс ҳолда авлодлар анъанасига путур етади. Бугун ҳаммаёқда ўзгариш, янгилик. Ҳатто, бола йиғласа, ўзи тебранадиган, чақалоқнинг тагини қуруқлаб қўядиган каравотчаларгача ихтиро қилинди. Лекин улар орасида бизнинг ёғоч бешикларимиздан ўтадигани борми?

Биз бешикларни асосан толдан ясаймиз. Чунки ундан ясалган бешик бақувват бўлиши билан бирга ҳавони яхши ўтказади. Қолаверса, терак ва бошқа дарахтлар сингари ўзидан турли хил ҳид чиқармайди. Мен, ўғилларим бешикнинг ясалиш жараёнида банд бўламиз. Уни бўяш ҳамда безашни рафиқам ва қизим бажаришади. Бешикка чизиладиган гул ва безакларнинг фойдали томонлари жуда кўп. Лекин асосийси, безаклар бешикка кўрк қўшишидан ташқари гўдакка рангларни ажратишни ўргатади. Қолаверса, харидор ҳам ўз дидига мос услубда тайёрланган бешик олгиси келади.

— Мактабдан келиб, дарсларимни тайёрлаганимдан кейин дадамнинг ёнига шошаман, — дейди 13 ёшли Ситора. — Ҳар бир бешик тайёр ҳолга келгунига қадар ҳаяжон билан кутаман. Ойим билан бирга уларни безаганимизда ҳар гал безак турларини ўзгартиришга, янгилик киритишга уринаман.

Оила аъзолари билан суҳбатлашар эканмиз, ҳар бирининг бу касбга алоҳида меҳр билан қарашига гувоҳ бўлдик. Айниқса, 6 ёшли Жавоҳирнинг улар атрофида куймаланиб юрганини, ҳатто бошига бўёқлар суртиб олиб, бирор юмуш бажаришга уринаётгани бизни ҳайратлантирди. Келажагимиз эгаларининг ёшлигиданоқ ота касбига меҳр қўйиши, бобомерос қадриятларимиз шу тахлит шаклланишини шу хонадон мисолида англадик. Бешиксознинг “...бир-биридан чиройли, замонавий каравотчалар барибир ёғоч бешикларимиз ўрнини босолмайди”, деган фикрини шарҳлашни шифокорлардан ҳам сўрадик.

**Шовдир Асатов, тумандаги 3-оилавий поликлиника шифокори:**

— Ҳақиқатан ҳам гўдакнинг тинч ухлаши, соғлом улғайиши учун бешикнинг қулайликлари кўп. Болалар каравотида ухлатилган чақалоқ оёқ-қўлларини қимирлатиб, уйғониб кетиши кўп кузатилган. Аммо бешикда бундай ҳол юз бермайди. Фақат ёз ойларида бешик анжомлари юпқа сурпдан тикилгани маъқул. Агар бешик ёпқичлари сунъий матодан тикилса, у ҳаво ўтказмайди ва бола нафас олишга қийналади. Бешикда ётган боланинг таги доимо қуруқ туради. Шунинг учун у тинч ором олади. Шунингдек, боланинг қомати тик, ўзи соғлом улғаяди ҳамда умуртқа суяклари текис бўлади. Яна бир яхши жиҳати шундаки, чақалоқ бешикда ётганида юзтубан ўгирилиб қолмайди, қўли билан юз-кўзини тирнаб, жароҳатламайди, бармоғини сўра олмайди.

Аммо бош мия гипертензияси (калла ичи босими) баланд ҳолда туғилган чақалоқларнинг бешикда ётиши тавсия этилмайди. Чунки бешикни тебратганда мия ичи босими (черепной давление) кўтарилиши мумкин. Баъзи аёллар боласини кун бўйи бешикка боғлаб қўйишади. Бу — нотўғри. Гўдакни ҳар икки соатда бешикдан ечиб олиб, эркин қўйиш, кийинтириб каравотчага ётқизиш лозим.

Таъкидлаш ўринлики, бола парваришида бешикнинг фойдали хусусиятлари жуда кўп. Қолаверса, у ота-боболаримиздан қолган мерос, ўзлигимиз ифодасидир. Ҳар бир хонадонга бешик харид қилиш насиб этсин ва унда гўдакларнинг йиғлаган овози, шўх кулгуси жаранглаб турсин.

**Зилола ИБРОҲИМОВА**
*Навоий вилояти*

## ЭЙ ФАРЗАНД...

Ҳамкасб ва ошноларинг кўпайсин. Оз фойдага қаноат қилгил. Харидорни кўп қаттиқ туриб ва оғир баҳо билан ўзингдан қочирмагил, токи шу ҳунаринг билан ризқинг зиёда бўлсин. Халқ сенинг олдингга бир нарсани олиш, сотиш учун келса, жонимсан, дўстимсан, биродаримсан деб қарши олгил, токи сенинг бундай меҳрибонлигингни кўриб, улар молларига юқори баҳо қўйишдан шарм қилсинлар ва сенинг мақсудинг ҳосил бўлсин, ҳамма ҳунармандлар орасида яхши номинг чиққай. Аммо тўғри сўзлагил, бахил бўлмагил. Фойдани яхши ишга сарф қилгил, қашшоқларга инъом бергил. Савдода кўп қаттиқ бўлмагил ва ғариблардан кўп фойда талаб қилмагил. Муҳтожни хушҳол қилгил.

Ёлғондан онт ичмагил ва одамлар билан қаттиқ муомала қилмагил. Пок дил бўлгил. Ҳар бир ҳунар менинг айтганимдек бўлса, барча ҳунармандларнинг марди бўлгайсан.

* * *

Ҳаракат қил, ҳар қандай сифатга эга бўлсанг ҳам, олдинни кўргил, жувонмардликка яқин бўлгил, бу билан жаҳон аҳлининг яхшироғи бўлғайсан. Агар жувонмардлик йўлида юрмак тиласанг, ҳамма вақт уч нарсадан сақлангил: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўздан. Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тутгил: уй эшигини, дастурхон бошини ва кармоннинг боғичини.

Ҳамма вақт дилтанг бўлмасликни истасанг, қаноат қилгил, ҳасадчи бўлмагил, шундагина вақтинг ҳамиша хуш бўлгай, чунки барча ғамгинликнинг асоси ҳасаддир. Билгилки, одам тоифаси хилма-хилдир. Аммо бир-бирridan кам бўлиши муҳтожлик ва таъмадандир, шунинг учун киши таъмани тарк қилиб, қаноатни одат қилса, жаҳон аҳлига муҳтож бўлмас. Бас, ҳеч кимдан таъма қилмаган одам жаҳонда азиз ва муҳтарамдир. Таъмагир ва очкўз одам паст ва хордир.

**“Қобуснома”дан**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел: 233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O‘zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи:
Фозил Жабборов

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Адади: 4374 Буюртма — J-8327 1 2 3 4 5